НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА



*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 22-fevral, shanba, 23-24 (23.303-23.304)-son

**Кун ҳикмати**

Оқил киши ҳеч қачон ҳашаматли тўй қилишга интилмайди

# Янги бошқармага раҳбарлар тасдиқланди

**21 февраль куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг учинчи сессияси бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма ва давлат бошқаруви органлари раҳбари, шаҳар, туманлар ҳокимлари қатнашган сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Эркинжон Турдимов олиб борди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Рустам Қосимов иштирок этиб, янги ташкил этилган тузилма ва унинг раҳбарлари олдида турган вазифалар хусусида сўз юритди.

- Аслида бундай ташкилий ўзгариш БМТ ташкилотидан ҳам тавсия этилган, - деди Р.Қосимов. – Янги вазирлик ва унинг қуйи тизимлари ҳақида ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда Буюк Британия, АҚШ, Туркия сингари 20 дан ортиқ давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ўрганиб чиқилди. Аммо бу янгилик халқаро ҳамжамиятга ёқиш учун амалга оширилгани йўқ. Тарқоқ, моҳиятан бир-бирини такрорлайдиган идоралар ўрнига ягона давлат ташкилоти фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бунда асосий эътибор «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» лойиҳасини рўёбга чиқаришга қаратилади. Шу боис, ўзини ўзи бошқариш органларидан фаолиятига таалуқли бўлмаган бир қатор вазифаларни улар зиммасидан соқит қилиш, ҳар бир маҳаллада профилактика инспектори штатини ташкил этиш чоралари кўриляпти.

Сессия ишида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қўйилган вазифалар кўлами ва масъулиятини эътиборга олиб, 2018 йилдан бугунги кунгача вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келган **Умаров Асқар Нарзиевич** номзоди вилоят ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тавсия этилди.

Сессия қатнашчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Депутатлар шунингдек, **Алимова Гавҳар Зойировна**ни вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тасдиқлади.

Г.Алимова 2018 йилдан бугунги кунгача вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келган.

Бошқарма бошлиғининг яна бир ўринбосари лавозимига **Ҳалимов Акрам Ҳамидович**нинг номзоди кўриб чиқилди.

2018 йилдан Ургут тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган А.Ҳалимов янги бошқарма бошлиғининг хавфсиз маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари сифатида фаолият олиб боради. У бир вақтнинг ўзида вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади.

Шунингдек, **Нормуродов Ҳасан Норбекович** бошқарма бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ўринбосари лавозимида иш бошлайдиган бўлди.

Ҳ.Нормуродов 2003 йилдан бугунги кунгача Ўзбекистон фахрийларининг фаолиятини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоат фонди шаклидаги "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими кенгаши раиси лавозимида ишлаб келган.

Сессия ишида, шунингдек, Самарқанд вилояти бюджетининг 2020 йил 1 январь ҳолатига шаклланган **3 миллиард 399,3 миллион сўм** эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар ва ажратиладиган маблағлар миқдори тасдиқланди.

*Сенат ялпи мажлиси олдидан*

# Қонун лойиҳалари

## жамоатчилик муҳокамасида

*Кеча вилоятдан сайланган сенаторлар, вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раислари ҳамда депутатлик гуруҳи раҳбарлари Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.*

Анжуманда жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ҳамда амалиётчи мутахассислар иштирокида қонун лойиҳалари аҳоли манфаатларига мослиги муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган эди. Шундан келиб чиқиб, парламент қуйи палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Муҳокамалар давомида мазкур қонун юртимиз фуқаролиги масаласида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

- Бугун биринчи навбатда зиммамиздаги масъулиятни тўғри тушунишимиз керак, - дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. – Қабул қилинаётган қонунлар қанчалик халқчил бўляпти? У одамларга нима беради? Жамият янги ҳуқуқий ҳужжатлардан қандай наф кўради? Асосий вазифамиз айни шу саволларга жавоб топишдан иборат.

Сенатор Гавҳар Алимова эса бу қонунга киритилаётган ўзгаришлар, янги моддалар мазмун-моҳияти, умуман, янги таҳрирдаги қонунларнинг мамлакат ҳаётидаги аҳамияти хусусида гапирди.

Қизғин муҳокамалар давомида Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги каби қонунлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**2020**

**МУРОЖААТНОМА**

**Янги ўқув йилидан мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.**

# «Энди мен фаол бўламан!»

## Каттақўрғон шаҳар прокуратурасидан ибратли ташаббус

Каттақўрғон шаҳар прокуратураси таҳлилларига кўра, бугунги кунда шаҳарда ўзлаштириши паст, профилактик ҳисобда турувчи ва мактаб ички назоратига олинган 818 нафар ўқувчининг қизиқишига мос, уларни рағбатлантирадиган тўгарак ва танловлар мавжуд эмас. Иқтидорли ва билимдон тенгдошлари билан беллашиш имконияти йўқлиги сабабли уларда турли мусобақаларда қатнашиш иштиёқи уйғонмаган.

Каттақўрғон шаҳар прокуратураси бу тоифадаги ўқувчилар ўртасида мактаб ва шаҳар босқичидан иборат бўлган "Мен энг яхши, энг жамоатчи, энг фаол ўқувчи бўла оламан" кўрик-танловини ўтказиш ташаббусини билдирди. Шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими эса буни қўллаб-қувватлади ва амалий ёрдам берди.

Бу айни вақтда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлашнинг бир кўриниши ҳам бўлди.

Танловнинг мактабларда ўтказилган дастлабки босқичида 818 нафар ўқувчи қамраб олинди. Улар китобхонлик, спорт ва бошқа йўналишларда ўз имкониятларини намоён этди. Бу ўғил-қизлар орасидан 54 нафар ғолиб ўқувчи танловнинг кейинги, шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шаҳар босқичида ўқувчилар "Мен ўқиган китоб", "Мен севган асар", "Ўз истеъдодингни намойиш эт" йўналишларда ўзларини синаб кўрди. Бошқа тенгдошларидан ортда қолмасликка интилишди. Шу боис, ғолибларни аниқлаш осон бўлмади.

– Биз бу ташаббусни бошлаганимизда танлов бунчалик кенг кўлам касб этишини тасаввур қилмагандик, – дейди Каттақўрғон шаҳар прокурори Ш.Жумаев. – Мактаблар ўқитувчилари ва ўқувчиларнинг ота-оналари, яқинлари танловни кўтаринки кайфиятда қабул қилди. Болаларни қўллаб-қувватлашди, ўзларини кўрсатишлари учун руҳлантиришди. Муҳими, танлов сабаб бўлиб кўплаб ўқувчиларнинг юриш-туриши, аҳлоқи, ўқишга муносабати ўзгарди. Бизнинг ҳам асосий мақсадимиз шу эди аслида.

Каттақўрғон драма театрида ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросимида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари таклиф этилди. Ғолиб ўқувчиларни тақдирлаш, табриклаш учун шоир ва ёзувчилар, халқимиз эъзозидаги театр ва кино актёрлари келди.

– Аввало, тадбир муқаддас даргоҳ – театр биносида ўтказилаётгани катта аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. – Яна бир муҳим жиҳати, бу ўқувчиларни прокуратура, ҳокимлик ва бошқа яна бир қатор ташкилотлар, бутун шаҳар жамоатчилиги қўллаб-қувватлаяпти, олқишлаяпти. Бундай тадбирлар республика миқёсида кенг оммалаштирилиши керак, деб ўйлайман.

Танловда фаол иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган ўқувчиларга компьютер жамланмаси топширилди. Учта иккинчи ўрин эгалари телевизор, учинчи ўринга муносиб деб топилган ўқувчилар эса планшет билан тақдирланди.

– Шу пайтга қадар вақт қадри нима эканлигини тўлиқ англаб етмагандим, – дейди танлов ғолиби Севара Турсунова. – Бу танлов менинг қарашларимни ўзгартирди. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиш учун нималарга эътибор қаратиши кераклигини ўргатди. Энди бундан буён олдимга қўйган мақсад сари қатъи ҳаракат қиламан. Кўпроқ ўқийман, изланаман, яна ҳам фаол бўлишга интиламан.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

# Суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва холислигига эришиш

## барчамизнинг муҳим вазифамиздир

Азиз газетхонлар! Сизларга айтмоқчи бўлган қуйидаги фикр-мулоҳазаларимни анчадан буён ўйлаб, мушоҳада қилиб юрган эдим. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган тарихий Мурожаатномаси катта туртки бўлиб, қўлимга қалам тутдим.

Нима учун ушбу Мурожаатномани тарихий деб атаяпман?! Тарихий деб аташимизга тўлиқ асослар бор. Нега деганда, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизни ривожлантириш билан боғлиқ илгари сурилган том маънодаги юксак ташаббус ва ғоялар тарихий нуқтаи назардан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакатимиз аҳолиси ўртасидаги камбағаллик бўйича аниқ статистик маълумотлар эълон қилинди. Рақамларга яна бир бор жиддий эътибор қилинг: кам таъминланган, аниқроғи аҳолининг камбағал қатлами ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 12–15 фоизни ташкил этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "... бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда".

Ва энг муҳими, камбағалликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаш бўйича аниқ вазифалар қўйилиб, унга барҳам бериш йўллари кўрсатиб берилди. Улар билан тизимли равишда иш олиб бориб, касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш учун 700 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг дастурий маърузаларида, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида жамият ва давлат ҳаётида АДОЛАТни қарор топтириш энг асосий вазифа эканлигини бот-бот такрорлайдилар. Ўрни келганда, қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз:

**"Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт".**



Айниқса, муҳтарам Президентимиз суд тизими, унинг мустақиллигини амалда таъминлаш ҳақида гапирганларида адолат тушунчаси, унинг халқимиз ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этишини ҳижжалаб тушунтиради. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ, эркин фуқаролик жамияти шароитида адолатни қарор топтириш суд ҳокимияти орқали амалга оширилади. Мурожаатномада Президентимиз бу борада алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларини айтиб ўтдилар:

**"Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, "Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди".**

**Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим".**

Суд тизимида қарийб 54 йилдан буён ишлаб келаётган судья, қолаверса, судьялар ҳамжамиятининг олий органи бўлган Судьялар олий кенгаши раҳбари сифатида Президентимизнинг ушбу фикрлари менга жуда катта масъулият юклади, мамлакатимиздаги барча судьялар ва суд тизими ходимлари олдига залворли вазифалар қўйди.

Шуни унутмаслик керакки, адолатни қарор топтиришда суд ҳокимияти мустақил ва холис бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши", 112-моддасида эса, "судьянинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ" деган конституциявий қоида белгиланган.

Бугунги кунда ушбу Конституциявий меъёрларнинг ижроси қандай таъминланяпти, деган ҳақли савол туғилади. Эътироф этиш керак, сўнгги уч йилда суд тизимининг шиддат билан демократик тарзда янгиланиши Ўзбекистондаги суд ҳокимияти ривожланишининг том маънода янги даврини бошлаб берди. Соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва одил судловга эришиш даражаси ошди. Ўтган қисқа давр ичида замонавий концепцияга асосланган мутлақо янги ягона суд тизими яратилди. Шу тариқа суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципини амалда таъминлаш имконияти вужудга келди.

Шуни ҳам айтишим керакки, мен бир амалиётчи-ҳуқуқшунос сифатида бунга тўла риоя қилиняпти, деб айта олмайман. Шубҳасиз, барчамиз Конституция ва қонунларимиз талабидан келиб чиқиб, суднинг мустақил ва холис бўлишини истаймиз. Судья дахлсиз, давлат муҳофазасида эканлигини биламиз. Аммо айрим шахслар, айниқса, мансабдорлар ҳар қандай ҳолатда ҳам суд қарори ўзларининг манфаатига мос бўлишини жуда хоҳлайдилар. Агар суд қарорида ўша мансабдор шахснинг чиқарган қарори ёки унинг қонунбузарлик хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо берилиб, манфаатига қарши қарор чиқарилса, ўз мавқеларидан фойдаланиб, қандайдир йўллар билан судьяга таъсир ўтказмоқчи бўладилар. Бундайларни ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг мансабдор шахси деб бўладими? Ёки судьяларнинг айрим мансабдор шахслар томонидан ўзларининг фуқароларни қабул қилиш вақтларида жалб этилиши, натижада уларни асосий ишларидан қолдирилиш ҳолатларига нима дейиш мумкин?

Ҳозирги вақтда судларга келиб тушган барча ишлар компьютер дастурлари орқали судьяларга, шу жумладан, суд раисларига ҳам баробар тақсимланади. Энди ўйлаб кўринг, суд раиси ҳар куни иш кўриши керак, ишлар тайинланиб, фуқаролар (жабрланувчи, судланувчи, гувоҳлар ва бошқа тарафлар) судга чақирилган бўлади. Шундай бир ҳолатда ишни кейинга қолдириб, судья бошқа ишларга жалб қилинса, уларга нисбатан аҳолида ишонч йўқолмайдими? Минг афсуски, суд соҳасида бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Бу эса баъзи бир фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Амалиётда суд ишларига аралашиш, судьяларни уларга тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, унинг мустақиллигига дахл қиладиган ҳар қандай тўсиқларга чек қўйиш жуда муҳим масала.

*3-саҳифа »»*

# Суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва холислигига эришиш

## барчамизнинг муҳим вазифамиздир

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган анжумандаги маърузасида ва Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу ҳақда тўхталиб, қуйидаги қатъий талабни қўйди:

**“Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун устувор вазифа, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт, суд ишларига аралашган ёки унга қандай шаклда бўлмасин босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим”.**

Ўйлайманки, энди ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мансабдор шахс, у қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, муҳтарам Президентимизнинг гапларидан тегишли хулоса чиқариши, қонун ва суд олдида барчанинг тенглигини эътиборга олган ҳолда суднинг мустақил ва холислигини таъминлаш ҳамда Конституциявий бурчларига оғишмай амал қилиши зарур. Судга ва судьяларга нисбатан бошқача муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас.

Бундан ташқари, муҳтарам Шавкат Мирзиёевич ҳали Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозимида ишлаб турган даврида, яъни 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарор билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг намунавий одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаган эди.

Унда ҳар бир раҳбар, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонунийлик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холисликни таъминлашга мажбурлиги, ушбу масалаларда раҳбар қўл остидагиларга ўрнак бўлиши, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслиги, ўзига юклатилган ваколати ва мажбурияти доирасида фаолият юритиши шартлиги белгилаб қўйилган.

**Таъкидлаш кераккки, том маънодаги демократик ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ҳалоллиги, фидойилиги, поклиги, лавозимини виждонан бажариши ўз халқига ва Президентига садоқатини кўрсатиб турадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади.**

Шу ўринда яна бир жиддий масала бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Конституциямизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари, Конституция ва қонун талабларига риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шартлиги белгиланган.

Ҳар биримиз ижтимоий ҳаётда ушбу Конституциявий мажбурият ва бурчларимизга тўла амал қилаяпмизми, деб ўзимизга савол беришимиз керак деб ҳисоблайман. Айрим фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашда қонун талабларига риоя қилмасдан, айниқса, суд қарорларидан норози бўлганларида қонунларимиз талабига ва уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, белгиланган тартибда юқори босқич судларига мурожаат қилганларида ҳаддан ташқари ҳис-ҳаяжонга берилиб, оғзига келган гапларни гапириб, беҳаёлик билан ўз мақсадларига етмоқчи бўлади, бу йўлда ҳатто бошқа шахсларни давлат хизматчиси ёки мансабдор шахсларни ҳақоратлаб, обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Шундайларни кўриб, уларнинг халқимизга хос бўлган юқори маданият, юксак маънавият ва одоб-ахлоқдан қанчалик йироқлашиб кетганига афсус қиласан киши. Ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларимизни оғир-босиқлик билан, қонунларимиз талабидан келиб чиққан ҳолда тегишлилигига қараб мурожаат қилиш йўли билан ҳал этсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги очиқлик ва эркин замонда ҳуқуқий маданиятимиз ҳам шунга яраша юксак бўлиши лозим ва бунга эришиш тегишли давлат органлари ва кенг жамоатчилик олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимиз фуқаролари бугун қонун ва қонуности ҳужжатлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятга эга. Нега энди биз мавжуд қонун, қоидаларга эътибор бермасдан уни бузиб қўйиб, кейин сарсон-саргардон бўлишимиз керак. Аслини олганда бунга ким сабабчи, ўзимиз эмасми? Айримларимиз қўлидан ҳеч иш келмайдиган, унинг ваколати доирасига кирмайдиган ишлар бўйича фирибгар-товламачиларга алданиб, сарсон-саргардон бўламиз, ҳаттоки уларга “ишимни бажариб берар экан” деб пора берамиз. Кўзимизни очиб, ақл билан иш қилайлик, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга ёки судга ишимиз тушганда нега алданиб пора бериш керак, у давлат одами-ку, етарли даражада ҳар ой иш ҳақи олади, буни тушуниб етишимиз лозим, деб ўйлайман. Бундайлар манфаат кўрганларида ҳам қонун доирасида иш қилиб, сизни “ёрдам бердим” деб алдаётганига наҳотки ақлингиз етмайди.

Келинглар, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни бақир-чақирсиз, кимларгадир алданиб унга манфаат келтиришдан тийилиб, қонун доирасида қилайлик ва ўзимизнинг ҳуқуқий маданиятимизни, маърифатимизни намоён этиб, қонун талабларига риоя қилишни ўрганайлик.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки,

2020 йил — Президентимиз томонидан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Гап шундаки, юқорида келтириб ўтилган, халқимиз орасида учраб турган баъзи бир салбий ёндашувлар илм-маърифатдан узоқ одамларга хосдир. Шу маънода ҳам Президентимизнинг илм, маърифатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда фақатгина ёшларни билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш эмас, балки бутун жамият аъзоларини илм ва маърифатга ошно қилиш лозимлигига алоҳида урғу қаратди ва қуйидаги ғояларни илгари сурди.

**“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.**

**“Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”.**

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз.

Ушбу Мурожаатнома ғояларидан келиб чиқиб, унинг ижросини таъминлашдаги Давлат дастурида 2020 йилда барча соҳа раҳбарлари олдига, ўтган йилга нисбатан ҳам ишчанлик, фидойилик ва ҳалоллик билан халқимиз манфаати ва фаровонлиги йўлида виждонан ишлаш вазифаси қатъий қилиб қўйилди. Бу масалада айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз иш фаолиятларини маданиятли тарзда, фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда, олиб боришда ўта чуқур савияга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва лавозимларга тайинлаш; уларни хушмуомала бўлишларини талаб даражасига етказиш; қонунни бузган ходимларга нисбатан тегишли қонун талабларига мувофиқ зудлик билан чора кўриш; ходимни, фуқаролар билан мулоқотда бўлганларида процессуал қонун талабларига асосан муомалада бўлишини қатъий назорат қилиш ҳар бир идора раҳбарининг Конституциявий бурчи эканлигини унутмаслик; тергов органлари томонидан ҳақиқатни аниқлашда қўполлик, қўрқитиш, алдаш каби ҳаракатларга муросасиз бўлишни, ғайриқонуний усулларни қўллаган ходимни ишдан четлаштириш ва тегишли жавобгарликка тортишгача чора кўриш, ҳар бир раҳбарнинг вазифаси бўлиб қолиши керак бўлади.

**Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришда судларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Суд Ўзбекистон давлати номидан қарор қабул қилади. Шундай экан у қуйидаги талабларга қатъий амал қилиши шарт:**

судья, судьялик мақомига мос киши бўлиб шаклланиши учун янада батафсилроқ, қонунларда ёзилмаган, аммо амал қилиши лозим бўлган инсонийлик фазилатларга ҳам қатъий риоя этиши зарур;

судья қандай масалани ҳал қилишидан қатъи назар ҳалоллик, холислик ва қонун устуворлигини таъминлашда адолатли бўлишни ўзига шиор қилиб олиши лозим. Бунинг учун ўз касбининг билимдони, ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳар томонлама етук, савияси баланд ва ҳуқуқий маданиятли шахс бўлиши керак.

Ана шу хислатларни судья ўзидан қидириши, шакллантириши, унга қатъий итоат этиши зарур. Судьялик касбига асло доғ тушурмасликлари лозим. Бунинг учун аввало, судьядан сабр-бардош, шукроналик, ҳақиқий меҳнат ҳисобидан оладиган иш ҳақи эвазига яшашни ўрганиш, бу масалада барча оила аъзолари билан ҳамфикр бўлишлари талаб этилади. У ўз устида тинмай ишлаш, кўп ўқиш, изланиш, фикр юритиш, ҳар кунлик ишни режалаштириш, уни бажарилишини таъминлашда, ишнинг кўзини билиб ишлашга эришиш лозим. Судьялик касбида ишчанлик, ҳушёрлик, ҳаёт тажрибасини мукаммал эгаллаган, тинимсиз ҳаракат, машаққатли меҳнат ва етти ўлчаб, бир кесиш мақолига амал қилиш одат тусига айланмоғи зарур. Судьялар Президент ва халқнинг ишончига сазовор бўлишлари учун тегишли қонунларда кўрсатилган ваколати ва мажбурияти доирасида, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятини самимият билан, беғараз бажариши керак.

**Ҳар қандай ҳолатда ва шароитда ҳам ўз касб маданияти ва одобига риоя қилиш ҳар бир судья учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолиши шарт. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик устувор бўлиши лозим”.**

Нега деганда, иши судга тушган ҳар қандай шахс судьядан фақат ҳақиқат ва адолат кутади. Шунинг учун судья ўз иш фаолиятида эътиборсизликка ёки таваккалчиликка йўл қўйиши асло мумкин эмас. Судда ишларни кўришда холислик принципига амал қилиш судьянинг қонуний бурчи ҳисобланади. Қайси ишда холислик бўлмаса, ўша иш адолатли ҳал этилмайди. Бунинг учун судья камтарин, меҳр-шафқатли, инсонпарвар ва мукаммал ҳуқуқий маданият эгаси бўлиши талаб этилади. **Меҳр-шафқат бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди.**

Фикр-мулоҳазаларимни тугаллар эканман, барча фуқаролар давлат хизматчилари, айниқса, мансабдор, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари, қолаверса, суд тизимида ишловчиларнинг қуйидаги ҳикматли гапларга эътиборини қаратишни маъқул деб топдим:

Яхшиликни беғараз қилмоқ ва қилинган яхшиликнинг эвазига бирон-бир яхшилик келишини кутиб қолмаслик.

Камтарлик, холислик, бировни жазолашга шошилмаслик.

Қонунни ҳурмат қилиб, адолатни қарор топтириш.

Бу сўзларнинг амалда бажарилиши - ўз халқини ва ватанини севиши билан баробардир. Адолат йўлида фидокорлик кўрсатмаган кишини ватанпарвар деб бўлмайди. Тўқликда очликни, улуғликда хорликни, шодликда ғурбатни эсдан чиқармаслик, ёмонликни заррача бўлса-да қилмаслик, заррача бўлса-да яхшилик қилишдан эринмаслик керак экан. Ҳар биримиз кимлигимизни, қандай ваколатга эга эканлигимизни, халқимиз фаровонлиги учун масъул эканлигимизни бир зум бўлса-да ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Алишер Навоий бобомизнинг “Эл, нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”, деган ҳикматли сўзлари қулоқларимиз остида жаранглаб турсин. Киши, ким бўлишидан қатъи назар, мансабдорми, оддий фуқароми унинг ширин тили ва очиқ дили бўлмаса, у яхши инсон бўла олмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг барчамиз учун ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо сатрларидан бирини келтирмоқчиман:

*“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидир!*
*Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир!*
*Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,*
*Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топғусидир”.*

Бу сўзлар барчамизга тааллуқлидир!

**Убайдулла МИНГБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2020 йил 18 февраль, 17-сонидан олинди).*

Мамлакатимиз ўтган уч йил давомида ўз тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бораётганлиги ҳамда амалга ошираётган барча соҳалардаги ислоҳотлар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бераётганлигини нафақат ўзимизнинг оммавий ахборот воситалари, қолаверса дунёнинг нуфузли газета-журналлари йирик мутахассисларининг бераётган фикрларидан ҳам англаш мумкин.

# Қонун халқимизга хизмат қилсин!

Кун сайин аҳолининг яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва амалга ошириб келинаётган ислоҳотлардан розилиги ортиб бормоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгининг ўзгариши натижасида улар қонун нормаларига қўрққанларидан эмас, балки ўзлари сайлаб қўйган вакиллари орқали қабул қилинган қонунларга бўлган ҳурматларидан келиб чиқиб, риоя этиш ҳислари шаклланмоқда. Бу эса тараққиётнинг янги босқичга чиқиши, кўзланган мақсадларга тобора тезроқ етиши учун мустаҳкам замин яратилаётганлигидан дарак бермоқда.

Бунинг тасдиғини яқиндагина ўтказилган сиёсий жараён “Янги Ўзбекистон - янги сайловлар” натижасидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари қонунчилик лойиҳаси билан шуғулланаётган ҳар бир давлат раҳбарига ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси халқ манфаати учун хизмат қилиши ва мақсад аниқ бўлишлигига жиддий эътибор берди. Қабул қилинаётган қонун маълум органнинг ваколатини мустаҳкамлаш учун эмас, балки халқ фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан баҳоланиши асосий омил эканлигини белгилаб берди. Бундан кейин қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик фикрини олишга эътиборни янада кучайтириш зарур. Чунки халқимиз ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этаётгани ижобий натижа бераётир. Мисол учун, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган 4 мингга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳасига 17 мингдан зиёд таклиф киритилган бўлиб, мингдан ортиқ ҳужжатлар қайта ишланган.

**Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда турган ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун, аввало, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз кераклигини таъкидлади. Хусусан, Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам “демократия мактаби”га айланиши зарурлиги, депутатлар сифатсиз лойиҳаларни маромига етказиш билан банд бўлмасдан, асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик ифода этишига қаратиши кераклигини айтиб ўтди.**

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, биз аппарат ходимлари ва давлат идоралари раҳбарларининг қонун лойиҳалари сифатига, долзарблигига ва оддий халқ тили билан ёзилишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур бўлади. Қонун лойиҳасини номигагина тайёрлаб, “депутатлар муҳокамасида бир маромга келар-да”, деган фикрдан воз кечишимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамаси котибият мудирлари Президентимизнинг Ҳукумат – қўмита – Қонунчилик палатаси ўртасида фаолият уйғунлигини таъминлаш бўйича кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда, қонун лойиҳаларини Парламент муҳокамасига киритишдан олдин тегишли соҳадаги мутахассислар, олимлар ва кенг жамоатчилик фикрларини олиш ҳамда Палата тегишли қўмитаси билан алоҳида ишлангандан сўнг муҳокамага киритиш тартиби белгиланишига эътибор беришлари лозим бўлади.

Мазкур янги фаолиятни такомиллаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакилининг олдида ҳокимият вакиллари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгиланган ва уни самарали амалга оширилиши қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаларини тайёрлаш босқичининг ўзидаёқ унинг ижросини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳам параллел тайёрлаб боришга эътибор қаратиш лозим.

**Маъруф ТОЖИБОЕВ,**
**Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисдаги ваколатли вакили.**



# Совуткич, телевизор... Паст Дарғомда ишлаб чиқарилмоқда

*Паст Дарғом туманидаги "Мароқанд кабель инвест" масъулияти чекланган жамиятида лед лампочка, электр симлари ва цемент сингари хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.*

*– Айни пайтда корхонамизда 150 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, – дейди жамият раҳбари Ўлмас Аблаяров. – Ўтган йилдан бошлаб 4 турдаги совуткич ва 5 хил ўлчамдаги телевизор ишлаб чиқаришни бошладик. Йилига корхонамизда 5 мингдан ортиқ совуткич ҳамда 4 минг дона телевизор тайёрланади. Ҳозирда маҳсулотимизнинг 40 фоизи маҳаллийлаштириш дастури асосида корхонамизда тайёрланмоқда. Йил якунигача яна маиший техника жиҳозларидан музлаткич ҳамда кир ювиш машинаси ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз.*

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

# Қисқартирилган сатрлар армони



Хайрият, Муҳаммад Сайфийнинг китоби мухлисларга етиб келди. Яқиндагина босмадан чиққан "Орзули, армонли дунё бу" деб номланган мўъжазгина китобни қўлга олиб варақлай бошлаймиз. Варақларда шоирнинг таржимаи ҳоли муҳрлангандек. Аксарият сатрлар таниш. Айримларини шоирнинг ўз овозларида эшитганмиз, баъзиларини эса вақтли матбуот саҳифаларида ўқиганмиз. Сатрлар киши хаёлини беихтиёр узоқ-узоқларга олиб кетади.

Шоир билан етмишинчи йилларнинг бошларида Самарқанд давлат университети қошидаги "Шалола" шеърият клубида бўлган мушоирада танишган эдим. Озғиндан келган ёш йигит шеър ўқиганда ҳиссиёти зўрлигидан важоҳати шерга ўхшаб кетарди. Мен ҳам қимтина-қимтина илк бор шеър ўқиган эдим етук ижодкорлар орасида.

- Бир тумандан эканмиз, – деди мушоирадан кейин мен билан кўришар экан. – Меники Сафохўжа қишлоғидан...

Ўшанда Муҳаммад Самарқанд давлат университетининг юқори курсида ўқир, мен эса туман газетасида ишлар эдим. Муҳаммад таътил пайтлари туман газетаси таҳририятига келар ва таҳририятда мушоира соатлаб давом этарди. Етмиш биринчи йилнинг баҳорида "Шалола" клуби ҳамда Иштихон тумани газетаси қошидаги "Қалдирғоч" шеърият клуби иштирокчиларининг қўшма семинари бўлди. Машғулотни ташкил этишда Муҳаммад Сайфиев фаоллик кўрсатди. Мушоира баҳона иштихонлик ижодкорлар самарқандлик Душан Файзий, Суръат Орипов, Нусрат Раҳмат, Самариддин Сирожиддинов сингари забардаст шоиру адиблар билан танишиб олдилар. Шундан сўнг Иштихонда ҳам адабий жараён анча жонланди. Алланазар Қаршиев, Даврон Қодирий каби шоирлар қаторида Холмирза Ўроқов, Ўта Муҳаммадиев, Меҳринисо Абдуназарова, Тошпўлат Мавлонов сингари истеъдодли ёшлар келиб қўшилди.

Кўп ўтмай, Муҳаммад Сайфий университетни битириб, Тошкентдаги нашриётларнинг бирига ишга жойлашди ва ижодкорликнинг катта қозонида қайнай бошлади. Аммо табиатан ҳақиқатпараст ва тўғрилик муҳити тарбиясини олган Муҳаммаджонни Тошкентдаги муҳит анча қийнаб қўйди.

Бир куни Тошкентдаги яқин дўстим, машҳур олим ва фантаст ёзувчи Маҳкам Маҳмудовдан хат олдим. (Ўшанда мен туман газетаси муҳаррири вазифасида ишлар эдим). Хатда шундай сўзлар битилган эди.



"Салом, дўстим Зайниддин! Истеъдодли шоир укамиз Муҳаммаджоннинг Тошкентда омади юришмади. У яна Иштихонга қайтиб кетмоқчи. Мен у кишига сиз билан учрашмоқни маслаҳат бердим. Агар учрашса, шу укамизга ёрдамингизни дариғ тутманг. Қуш тилини қуш билади деганларидек, у кишининг бошидан ўтказган савдолардан қисман хабардор бўлсангиз керак. Фузулий ҳазратлари айтадилар-ку:

"Кўзи ёшлулари ҳолин на билсин бандаи ғофил,
Кавокиб сайрини шабто саҳар бедор ўландан сўр. "

Мактубни олиб ўйланиб қолдим. Муҳаммад Сайфий туман газетаси тугул, бундан-да катта нашрларда ишлаш ва уларни бошқариш салоҳиятига эга. У аслида нашрга бошлиқ ёки бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлашга арзийдиган ижодкор. Аммо ўша пайтларда туман газетаси муҳаррири область партия қўмитаси, муҳаррир ўринбосари райком бюроси тасдиғидан ўтар эди. Муҳаммадни улар тасдиғидан ўтказиб бўлмайди. Таҳририятдаги кичикроқ вазифаларга Муҳаммаджон рози бўлармикан?!

Ана шундай саволлар билан иккиланиб турган пайтларимда Муҳаммаджоннинг ўзи келиб қолди. У кишига таҳририятдаги вазифалардан бирини тавсия қилдим.

> **– Мен таҳририятда ишламоқчи эмасман, – деди менинг сўзимни кесиб. – Тинчроқ, ўтириб ишлайдиган иш бўлса...**

Ўша пайти райОНО мудири бўлиб ишлаётган Қаюм Худойбердиевга телефон қилдим. У кишининг ижодларини хуш кўришини яхши билардим.

– Майли, келсинлар, маслаҳатлашиб кўрамиз, – деди Қаюм ака.

Шундай қилиб, Муҳаммаджон район халқ маорифи бўлимининг метод кабинетига услубчи бўлиб ишга жойлашди.

Бир куни райком бюросининг навбатдаги йиғилишидан қайтиб келсам, қабулхонада Муҳаммаджон мени кутиб ўтирган экан.

– Келинг, Муҳаммаджон, – дедим ва ичкарига таклиф этдим. У шашт билан кирди-да:

– Зайниддин ака, сиз қачондан буён бунча қаттиққўл бўлиб улгурдингиз? — деди.

Ҳазил қилаётгандир, дея юзига қарадим. Юзлари жиддий эди.

– Адабиёт бўлими хонасида энди шеърхонлик бошланган эди, кимдир редактор келяпти, деб қолди. Бу гапни эшитиб ходимларингиз тум-тарақай бўлди. Ахир, редактор ўз ходимларига эркин ижодий муҳит яратиши керак эмасми? Бу туришда ходимларингиз ўртасида ижодкорлик муҳити йўқолиб, одамларингиз "команда" билан ишлашга ўрганиб қоладилар-ку!

– Унчаликмасдир, – дедим кулиб. – Ахир ҳар қандай жамоада ички тартиб бўлиши керак. Ходимлар ишхонадаги қоидани бузмасликлари шарт.

– Ўзингиз бир қоида яратибсиз-да, – деди-да хайрлашмасдан хонадан чиқди. Мен эса унга насиҳат қилиш учун оғиз жуфтлаб қолавердим.

Орадан йиллар ўтди. Муҳаммаджоннинг омади кейин ҳам юришмади. РайОНОдан ҳам ишдан бўшабди, деб эшитдим. Бир куни эса автоҳалокатга учрабди. Таҳририятга кимдир келиб Муҳаммаджон вафот этди деб айтибди. Дарҳол Муҳаммаджоннинг поччаси Шодихон Раҳмоновга қўнғироқ қилдим.

У вафот қилмаган экан, фақат оғир аҳволда касалхонага келтирилибди. Касалхонада узоқ вақт ётди. Бир неча марта бориб ҳол сўрадим. Касалхонадан чиққач, муносабатларимиз тикланиб, газетамизга яна шеърлар олиб кела бошлади. Бир сафар навбатдаги адабиёт саҳифасига шеър ёзиб келтирди. Ажойиб, яхши шеърлар эди. Анчасини ажратиб олиб давр талабига мос келмайдиган сатрларини қисқартириб саҳифага қўйдим.

Бир сафар ҳокимиятга йиғилишга чақириб қолишди. Кўчада шошилганча кетаётган эдим, Муҳаммаджонни кўриб қолдим. Матбуот дўконидан нимадир харид қилаётган экан.

– Ассалому алайкум Муҳаммаджон! – дедим.

У менга бир қаради-да индамади. Мен қайта салом бериб қўл узатдим. У юзимга қараб турди-да:

– Мен сизни танимадим. Кимсиз ўзи? – деди.

– Мен фалончи акангизман. . . .

– Сизни таний олмаяпман, узр!— дедилар.

Уни ортиқча безовта қилмай, йўлимда давом этдим. Йўл-йўлакай ўйлаб борар эдим.

– Мендан яна аразлабди шекилли. Сатрларини қисқартирмаслигим керак эдими? Ахир кўра-била туриб муаллифни кўнгилсизликка дучор қилиб бўлмайди-ку. Шеърлари туфайли сиёсий айб қўйилиб, таъқибга учраган шоирлар озмунчами? Хусусан, яқин ўтмишда бундай ҳол одат тусига кириб қолган эди.

> **Муҳаррирлар юксак истеъдодларни ёмон кўргани учун эмас, уларни асрабавайлагани учун давр кўтара олмайдиган сатрларни қисқартиришган ёки асарни босишмаган. Мен ҳам муаллифга яхшилик қилмоқчи эдим.**

Мазмунга путур етказмайдиган қилиб икки-уч сатрни қисқартирган эдим. Балки, қисқартирмаслигим, шеърларни ўзига қайтариб беракolishим мумкин эди. Унда муаллифнинг қандай аҳволга тушишини ўйлаб кўра оласизми?

Хуллас, шундан кейин Муҳаммаджонни бошқа учратмадим. Фақат "Зарафшон" газетасида аҳён-аҳёнда мақолалари кўриниб қоларди. Орадан икки-уч йил ўтгач, Муҳаммад Сайфийнинг вафоти ҳақидаги совуқ хабарни эшитдик. Қисқартирилган сатрлар мен учун армон бўлиб қолди.

**Зайниддин БАҲРИДДИНОВ,**
**фахрий журналист.**

*Бир шеър таҳлили*

Гўзал қалб соҳибаси, садоқат куйчиси шоира Зулфиянинг шеърий олами, лирикасининг бош мавзусини муҳаббат ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Ҳолбуки, шоира қўлига қалам олган чоғдан бошлаб умрининг сўнгига қадар шу пок туйғуни улуғлади, садоқат, вафо, ор-номус, ҳаё, иффат, қўйингки, бутун одамийликни ишқ торларида куйлади. Шоиранинг «Тингла булбул» шеъри ҳам айни шу пафосда туғилган.

# «Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни...»

*Булбул сайрар, ирмоқ куйлар, ўйнар ел,*
*Ҳамма ёққа нур тўлганга ўхшайди.*
*Ширин куйга тўлиб кетди маъсум дил,*
*Севги унга ёр бўлганга ўхшайди.*

*- Тўхта, булбул, мен куйлайин, жон булбул,*
*Сен тинглагин қалбимдаги торимни.*
*Баҳор десам, рашк қилмасин чаман гул,*
*Юрагимга кириб олган ёримни.*

*Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,*
*Эрка дилнинг тўлқинига қулоқ сол.*
*Сен бийронсан, лекин менинг куйимни*
*Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...*



Лирик қаҳрамоннинг юрагига муҳаббат қачон кириб келгани маълум эмас, бу муҳим ҳам эмас. Аммо у бу пок туйғуни аллақачонлар кўнглидан ўтказгани учун ҳам дунёни муҳаббат ранглари ила илғайди. Севги унга ҳамма нарсани рўй-рост ошкор этиб боради. Чунки муҳаббат – бу ҳақ, ҳақиқат йўли. Шоиранинг қалб кўзи бу манзилда фақат ишқ мубтало этган чин ошиқларга дуч келгани учун ҳам нима ёлғону нима чин, ким садоқатли-ю ким хиёнаткорлигини дарров илғайди. Шеърнинг биринчи бандида булбулнинг сайроғи атрофга эшитилган он лирик қаҳрамон «ирмоқ куйлагани», «ел эсгани», «ҳамма ёқ нурга тўлгани», «дилларга ширин куй тўлгани»ни қушнинг севиб қолганига йўяди, шу боис ошиқона сайраётганини таъкидлайди. Шеърнинг иккинчи бандида эса у булбулни куйлашдан тўхтатишга уриниб, айни дам юрагида кечаётган ҳисларини ошкор этади:

*«Баҳор десам, рашк қилмасин чаман гул,*
*Юрагимга кириб олган ёримни»*

Гарчанд гул булбулнинг сеҳрли овозда куйлаган «изҳори дил»идан маст унинг ишқига хайрихоҳ бўлса-да, жонажони, ҳаёт бахш этиб турган хилқат – баҳорнинг оғушидадир. Шунинг учун ҳам уни жони қадар севади ва ҳаммадан қизғанади. Лирик қаҳрамон эса ёшлик, гўзаллик ва поклик тароватини таратажак бу фаслга қалб қўрини очган. У кўнглидан мангу жой олган.

Энди яна булбулга қайтсак.

Аёнки, булбул гулга ошуфта қуш. Унга илҳом бағишлайдиган, сайрашига асос бўладиган нарса ҳам шу гулдир. Аммо унинг қўними йўқ. Бир чамандан иккинчи чаманга учиб қўнаверади ва ҳар сайраганда ҳар бир гулга бағишлаб ишқ куйини таратади. Дейлик, умри давомида бу сайроқи қуш юзта чаманга дуч келса, демак юзта гулга «изҳори дил» қилган бўлади. Бу эса чин муҳаббатни англатмайди. Севгиси ҳақиқий ошиқ фақат бир ёрни деб умр ўтказади ва бутун борлиғини, муҳаббатини унга фидо қилади.

Лирик қаҳрамон муҳаббат кишиси. У муҳаббат – мўъжизаси бор дунёнинг нелигини, сиру синоатини ва у кимларга тақдир қилиш-қилмаслигини яхши билади. Аслида синов тариқасида ҳадя қилинажак бу неъматни қадрламаганлар охир-оқибат бебурд, лафзсиз ва беобрў бўлиб кўпчилик назаридан қолишини доим эслатади. Бундай хунук аҳволга тушмаслик учун севгининг қадрига етиш кераклигини тайинлайди ва пировардида, ҳар бир ошиқни ўз ёрига вафоли бўлишга даъват этади ҳамда ўз садоқатининг нечоғлик буюклигини хитоб қилади:

*«Сен бийронсан, лекин менинг куйимни*
*Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...»*

Садоқат чин ва пок муҳаббат асир этган қалбнинг «узлат»идир. Бу шак-шубҳасиз ибодатдир. Ибодат лаззатини эса ҳақиқий ошиқ ва маъшуқлар ҳис этадилар.

**Умид АЛИ (Кўчимов),**
**Ургут туманидаги 98-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**

**Таҳририятдан:** *Очиғи, кейинги йилларда ўқитувчининг ўз фанига оид мулоҳазасини биринчи марта чоп этяпмиз. Чунки бундай хатлар олганимиз йўқ.*

*Ҳурматли муаллимлар!*

*Сизларга катта эътибор берилаётган, ғамхўрлик қилинаётган бир пайтда ҳафсала қилинг, уриниб кўринг, яхши мақолаларингиз билан ўқувчиларга ибрат кўрсатинг. Мактубларингизни кутамиз.*

# Жавоҳарлаъл Неру излаган

Ҳиндистон Англия истибдодидан озод бўлиб, мустақилликни қўлга киритгач, мамлакат бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1954 йилда собиқ Совет Иттифоқига ўзининг илк ташрифини амалга оширади. Ана шу ташриф чоғида у Ўзбекистонда ҳам бўлиб, республика Фанлар академиясига келганда – Пўлат Солиев исмли шахс билан учрашмоқ истагида эканлигини билдиради. Ўртада ноқулай вазият вужудга келади. Фанлар академияси раҳбари: «У киши вафот этганига анча вақт бўлган», дейди. Шунда Ҳиндистон бош вазири бу олимнинг қабрини зиёрат қилмоқчи эканлигини айтади. «У киши йўлда вафот этган, шу сабабли қабри номаълум» деган жавобни эшитади...

1

Жавоҳарлаъл Неру излаган инсон 1930 йилларда Ўзбекистон тарихчиларининг ҳақиқий раҳнамоси, устози бўлган олим, профессор Пўлат (Бекпўлат) Солиев эди. Бош вазир унинг Ҳиндистон озодликни қўлга киритишидан 20-25 йил аввал ёзилган мақолалари, рисолалари ҳинд ватанпарварларига жуда кучли таъсир қилганлиги, уларга мустақиллик учун курашнинг асл моҳиятини чуқур англаш, идрок этишда қўлланма бўлганлигини сўзлаб беради. Бу ерда гап профессор Пўлат Солиевнинг 1920 йилларда ёзган «Англия империализми Шарқда», «Шарқдаги ҳозирги аҳвол», «Ҳиндистон Англия зулми остида» китоблари устида бормоқда. Бу асарлар қай йўллар билан Ҳиндистонга бориб қолганлиги, таржима қилиниб чоп этилганлигини аниқлаш олимнинг илмий мероси билан қизиқувчилар, тадқиқотчилар олдидаги вазифадир.

2

Ана шу учрашув тафсилоти, Жавоҳарлаъл Нерунинг олим ҳақида чуқур ҳурмат билан билдирган фикрлари хусусида Пўлат Солиевнинг қизи Фарида Муҳиддинова (Солиева)га ушбу суҳбатда иштирок этган ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) шарқшунослик факультетининг ўша пайтдаги декани А.Ҳамроев ва мулоқотда бевосита таржимонлик қилган Х.Холмуродова-Барнохўжаева сўзлаб беришган экан.

Ҳиндистон Бош вазирининг бундай эҳтиромига сазовор бўлган олим Пўлат Солиев ким эди?

У 1882 йилда Астрахань губерниясидаги қишлоқлардан бирида туғилади. Бу қишлоқда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги нуғай миллатига мансуб кишилар ва Туркистондан келиб ўрнашиб қолган одамлардан иборат эди. Пўлат Солиевнинг отаси Мажид Соли ҳам асли туркистонлик, манғит уруғига мансуб деҳқон бўлган. У фарзандларининг илмли бўлиши учун имкон даражасида кўмаклашган. Бўлғуси олим ўн беш ёшга тўлганида қишлоқдаги мактабни ва Абдураҳмон Умеров (йирик исломшунос олим, тарихчи, «Идел» газетасининг муҳаррири) ташкил қилган мадрасани ўқиб тугатган эди. Илмга чанқоқлик уни Қозон шаҳридаги «Муҳаммадия» мадрасасига етаклади. Сўнгра машҳур исломшунос, кўплаб нодир тадқиқотлар муаллифи Зиё Камолий раҳбарлик қилган, янги услубда таълим бериладиган «Ғолия» мадрасасида таҳсил олди.

Икки мадрасани ҳам аъло баҳоларга битирган Пўлат Солиев бу пайтда араб, турк, форс, рус ва Марказий Осиё туркий халқларининг тилларини пухта ўрганган эди. Кейинчалик у француз ва немис тилларини ҳам ўзлаштиради.

3

Унга «Ғолия» мадрасасида қолиб, талабаларга таҳсил бериш таклиф этилган бўлсада, аммо у асли ота юрти бўлган Туркистонга йўл олади.

Пўлат Солиев Тошкент вилоятининг Оққўрғон волостида ўрнашади. Бу ерда у Сегизбой Отабоев хонадонида яшаб, қишлоқда янги усулдаги мактаб очади (Кейинчалик машҳур давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишган Султон Сегизбоев айнан Пўлат Солиев қўлида таҳсил олган ва унинг раҳнамолигида униб-ўсган эди). Албатта, унинг янги усулдаги жадид мактабларини очиши ва бу йўналишдаги фаолияти кўплаб қаршиликларга ҳам дуч келди.

У Тошкент, Фарғона водийси, Бухорода мактаблар, билим юртлари очилишига кўмаклашади, уларга бош бўлади. 1917 йилда Москва шаҳрида ўтган Бутунроссия мусулмонлари қурултойида иштирок этади. Ўша йили Қўқон шаҳрида ташкил этилган «Туркистон мухторияти»ни шакллантиришда қатнашади. Қўқон шаҳрида маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчилар тайёрлайдиган Халқ университетини очиш ва фаолиятини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатади. Ўша пайтлари ташкил этилган Ўқитувчилар институтларида Туркистон тарихи, араб тили, адабиёт бўйича маърузалар қилади. Бир қанча газета, журналларда муҳаррир вазифасини бажаради. 1924-1927 йилларда оиласи билан Москвада яшайди (у дўсти Ҳоди Файзининг синглиси Фотима Файзираҳмоновага уйланган эди). Бу ерда Свердлов номли университетнинг тарих кафедрасида шуғулланиши билан бир қаторда Шарқ халқлари Марказий нашриётида ишлайди.

# “Бесабаб барг остидин боқмас қизориб ғунча ҳам”

Ғулом Исмоилов 1930 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган. Унинг бир қанча шеърлари “Орзу” (1970), “Тонг ғазали” (1970), “Довонлар” (1977), “Гулоб” (1982) номлари билан китоб бўлиб чиққан. Ҳақгўй журналист сифатида қатор танқидий мақолалар муаллифи.



Ўз даврида Ғ.Исмоиловнинг ўзбек адиблари асарларини рус ва украин тилларига қилган таржима соҳасидаги ишлари ҳам салмоқли ўрин тутган. Шунингдек, атоқли давлат арбоби ва таниқли ижодкор Шароф Рашидовнинг бир нечта асарларини рус тилига моҳирона таржима қилган. Ижодкор умрининг охирги йилларида Тошкентда яшайди, 1998 йил ўша ерда вафот этади.

“Шеърларимда нимаики ёзилган бўлса, жамийсини ўз бошимдан кечирганман. Ҳаётимнинг шоду ношод дамларида тонгдек беғубор нигоҳлардан мадору илҳом олганман. Шу нигоҳлар дилимга қуёш бўлиб қуйилган, иродамни чиниқтирган, кураш синовларида сабот берган. Шу боисдан ҳам мен тонг сиймоли, покдил дунё аҳлига умри камол тилаб шеърий мажмуамни “Тонг ғазали” деб атадим”. Бу самимий сўзлар шоир, таржимон ва журналист Ғулом Исмоилов - жўшқиннинг шеърият мухлисларига дил изҳори эди.

### БИЛМАДИМ, ГУЛМУ ТИЗИЛМИШ...

*Тинди ёмғир. Ярқираб гуллар, чечаклар ёналар -*
*Мисли болқиб чиқди сойдин гулбадан жононалар.*
*Тўйгаму ошиқадир оқ шоҳи кўйлакни кийиб,*
*Кўксига олма, ўрик тақипти инжу доналар.*
*Жингалак кокулларин ёзиб улар сой бўйида,*
*Ой юзин айлаб тамошо сирлашур дугоналар.*
*Соғинибди шўх шамол бу нозанинлар ҳуснини,*
*Эркалаб қучгай, бўлиб боғ ичра ул парвоналар.*
*Бесабаб барг остидин боқмас қизориб ғунча ҳам,*
*У бугун шайдойи булбулга булур ҳамхоналар.*
*Қонибон офтоб шаробин нўш этар ҳар сарву гул,*
*Имлашиб ҳузурига, чўзгай нур тўла паймоналар.*
*Навбаҳор базмида ёнгай бесадо дилсўз ғазал,*
*Ўз куйига маҳлиё бўп тўлғанур мастоналар.*
*Билмадим, гулму тизилмиш ёки ошиқ назмиму,*
*Ё Ғулом дил меҳридин ёзмиш баҳор афсоналар?*

### ТОНГ ҒАЗАЛИ

*Бунчалар гулгун бу тонг, гулрў табассум қилдими?*
*Ёки гулру қўлидин гулгун шароб тўкилдими?*
*Ё уфқда ул санам қирмизи рўмол илдими?*
*Ё менинг шайдолигимни лоларухсор билдими?*
*Ёки қалбим риштасидан тонг тўқирми шойибоф?*
*Ё ҳарир кўйлак кийиб кулбамга жонон келдими?*
*Ё чаман уйғондими, ё рақс этиб тўлғондими,*
*Ё чечаклар бирла ўйнаб боди бўстон елдими?*
*Гулми бу, гулшанми бу ёки шафақлар гулхани?*
*Ё уфқдан бир шалола қалбима интилдими?*
*Ёки оҳим оташинда ёндими бахлу риё,*
*Ё нигоҳим шамшири тун қора бағрин тилдими?*
*Орзулар парвоз этиб ёзгай магарким зарқанот*
*Оқ кўнгил жўшганда ёким тўлқини тонг бўлдими?*
*Маъсума тонг кўзида онам нигоҳин кўрмишам,*
*Бошим узра энгашиб ё меҳрибон термулдими?*
*Йўлга чиққил, тонг шамолига Ғулом сийнангни тут,*
*Боқ, бу оламдин ёмонлик супрулиб, бахт кулдими?*

### БЕСАДО ҚИЛСАМ ХИТОБ

*Косани синдирса тош, қилсам қадоқ тутгаймикин?*
*Сиртига суртсам сирач, чилпораси битгаймикин?*
*Коса-ку бўлгай қадоқ, хунбора дилни мен нетай,*
*Ишқ ўтининг ёраси малҳам билан кетгаймикин?*
*Учрадим, айтдим табибга йиғлабон дил дардини,*
*Айтди: Ишқинг дардига дорим шифо этгаймикин?*
*Сўрасам дилдан савол, дил дейди: Ёр бир боқса бас.*
*Кўчага чиқсам магар ул бевафо ўтгаймикин?*
*Ўтса гар ул кўчадин сезгайму оҳим оташин,*
*Ё боқиб мужгонларидин дилга ўқ отгаймикин?*
*Найлайин, учратганимда термулурман лол бўлиб*
*Бесадо қилсам хитоб, ёр дилга гап отгаймикин?*
*Ман ёниб айтсам ғазал уққайми ёр дил ноласин,*
*Ё Ғулом ишқ дардига топмай даво ўтгаймикин?*

**Ғулом ИСМОИЛОВ.**

# Гулдан безанар замин, изингизга ўхшай деб

## Волидаи муҳтарамам Зулфия муаллима хотирасига

Сизни нега бунчалар яхши кўраман, онажон? Ёнингизда бўлганда эмас, олисларда юрсам ҳам сизни яхши кўришимни ҳис этиб яшайман. Гумроҳликка бориб, баъзан яхши кўришим сабабини ўйлаб қолган вақтларим ҳам бўлган. Бунинг учун минг бор узр, иқрорим кўнглингизга оғир ботмасин. Кўпинча, ёлғиз қолганимда ёдимга тушасиз. Инсон яхши хаёллар суришга мойил бўлгани учун сизни ўйлашим яхши кўришимнинг исботи бўлиб туюлади. Лекин, яхши кўришим фақат шунданми...

Сизни яхши кўришимнинг сабаби мени дунёга келтирганингиздир. Агар шундай бўлса, барча фарзанд истисносиз онасини яхши кўрган бўларди. Лекин, минг афсуски, ҳамманинг ҳам онасига муносабати бир хил эмас. Ўкинчли ҳақиқат шундаки, онасини ҳақоратлаган, урган, ҳатто ўлдирган фарзандлар ҳаётда бўлган – саноқли бўлса-да, бундайлар бор.

Балки мени вояга етказганингиз учун сизни яхши кўргандирман? Мулоҳаза қилсам, яхши кўришимга бу ҳам етарли асос бўлолмас экан. Чунки гўдаклигида бошқалар қарамоғига ташлаб кетилган болалар, гарчи тирик етим эканлигини билиб улғайишса-да, онасини қумсаб яшашган. Ғойибона бўлса ҳам улар онасини яхши кўришган. Демак, фарзандни ўстириш ҳам онани яхши кўришга етарли сабаб бўлолмайди.

Мен сизни нега бунчалар яхши кўраман, онажон? Балки ҳурмат қилганим учундир? Лекин ишхонамдаги бошлиғимчалик сизни ҳурмат қиламанми? Қиёсдан хижолат чекканим бу берган саволимга йўқ деёлмаслигимдан. Ахир, раҳбаримга ҳурматим шунчалар кучлики, унга гап қайтаришнику тасаввур этиш қийин, нотўғри айтган сўзини бўлишга ҳаддим сиғмайди. Шунда бир пайтлар сўзингизни бўлганимни, ҳатто гап қайтарганимни ўйлайман. Бундан қандай хулоса келиб чиқади? Демак, инсонлар ичида энг ҳурмат қилганим сиз эмас экан-да. Лекин, сизни бошлиғимчалик ҳурмат қилмасам-да, барибир сизни яхши кўришимни, бошлиқни эса сиздан зиёд ҳурмат қилсам-да, уни сизчалик яхши кўрмаслигимни биламан. Бошлиқ ноҳақ бўлганида ундан хафа бўлган, ҳатто нафратланган вақтим бўлган. Сизга нисбатан ҳеч қачон бу туйғуни сезмаганман. Нотўғри иш қилсам уришганингизда ҳам, болалигимда шўхлигим ҳаддан ошса, юзимга шапалоқ тортганингизда ҳам сиздан хафа бўлмаганман. Барибир сизни яхши кўрганман. Демак, яхши кўриш ҳурматдан эмас.

Сизни севганим учун яхши кўраманми? Лекин сизни ёримчалик севганманми? Йўқ, албатта. Чунки севгидан бўлса, умр йўлдошимни сиздан зиёд яхши кўрган бўлардим. Лекин ундай эмас-ку, онажон.

Менга айтадиган гапларингиз учун, балки сизни яхши кўргандирман. Лекин баъзи дўстларим билан узоқ-узоқ суҳбат қургандек, сиз билан соатлаб гаплашмаганман. Тўғри, улар каби қизиқ воқеаларни айтиб бермаган бўлишингиз мумкин, балки айтиб беролмассиз ҳам. Эсласам, соғиниб борганимда соғлигимни, ишимни, оиламни сўрашдан нарига ўтмаган экансиз. Яна англаганим, борганимда кўп гапирмаган бўлсангиз-да, ёнингизда ўтириб, бутун ташвишларимни унутгандек бўлганман, хотиржамлик туйганман кўнглимда. Соатлаб ўтирсам-да, зерикмаган эканман. Гўё бошқа дунёга тушиб қолгандек сезганман ўзимни. Бу балки сизнинг дунёингиздир. Биз ўсиб-улғайган, бизга таниш, бизга азиз бўлган дунё. Сизнинг дунёингизда таъна қилиш, таъма қилиш бўлмаган, иззатталабликдан йироқ. Ёлғон илтифотлар, лаганбардорлик қилиш, ялтоқланиш эҳтиёжи бўлмаган дунё.

Онажоним, бирор марта қўлимга эмас, ҳамиша кўнглимга қараган онам. Нега мен бунчалар сизга талпинаман? Мени яхши кўрганингиз учунми? Мен сизнинг яхши кўришингизга арзийманми? Ҳурматим бошқаларга зиёд бўлса, севгимни ёримга раво кўрсам, қувончли онларимни ўзгалар билан ўтказсам. Қизиқ, сизни соғинтириб, узоқ вақт ёнингизга келмасам ҳам, барибир мени яхши кўрасиз.

Мени ҳар қандай вақтда ҳам, ҳар қандай аҳволда ҳам яхши кўрганингиз учун сизни яхши кўрарман, Онажон, Онажонгинам.

Ҳеч ким онадек дилдан кўз ёш тўкмас, кулолмас.

*Оналар мумкин, бола она учун*
*ўлолмас,*
*Томчи сут қарзин одам юз йил яшаб*
*тўлолмас,*
*Фарзандининг камолин бахт деб*
*билган онажон,*
*Эшигин остонасин тахт деб билган,*
*онажон.*
*Аллоҳ назари тушган юзингизга,*
*онажон!*

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ.**

*Қатағон қурбонлари хотираси*

# ИНСОН

4

Ўнлаб мақолалари турли илмий журналлар, газеталарда чоп этилади. Агар олим битган мақола, рисола, китоблар, у турли вилоятлардан излаб топган қадимий қўлёзмалар, илмий изланишларининг фақат номи санаб чиқилса, шунинг ўзи катта бир рисола бўлиши муқаррар.

1926 йилда Ленинградда ўша пайтлар мавжуд бўлган Шарқшунослик институтида унга профессор илмий унвони (даражаси) берилади. 1927 йилда профессор Пўлат Солиев Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги пойтахти Самарқанд шаҳрида ўқитувчилар тайёрлайдиган олий таълим муассасаси очилиши муносабати билан (кейинчалик СамДУ) чақириб олинади. У ушбу олий илм даргоҳини ташкил қилишда фаол қатнашади, унда очилган Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасини бошқаради.

Кейинчалик машҳур академик, профессорлар бўлиб етишган И.Мўминов, Я.Ғуломов, А.Аминов, Р.Набиев, Ҳамид Ғулом, Аюб Ғулом, Т.Зоҳидов, А.Ҳамроев, В.Абдуллаев, Р.Бойжонов, Б.Жўнаевлар унинг шогирдлари эди.

Собиқ аспирантларидан бўлган А.Алиевнинг хотирлашича, Пўлат Солиев академик В.Бартольд билан тез-тез мулоқотда бўлган. Баъзан у билан баҳсга киришиб, академикнинг айрим илмий қарашлари, шарқ қўлёзмалари таржималарида хатолар, чалкашликлар мавжудлигини рўй-рост айтган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида олимнинг Қуръони карим матнини илмий шарҳлар билан илк бор ўзбек тилига ўгиргани маълум. Лекин унинг саккизта катта қутига солинган кўплаб қўлёзмалари, китоблари, шахсий архиви, қадимий ёзма манбалар 1937 йилда олим «халқ душмани» сифатида қамоққа олинганда НКВД органлари томонидан мусодара этилган. Уларнинг бир қисми изсиз йўқолган бўлса, олим тўплаган қадимий ёзма манбалар, шахсий кутубхонаси негизида

5

ЎзР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига асос солинган эди.

Пўлат Солиевнинг қамоқдаги сўнгги кунлари ҳақида унинг катта қизи Роза Солиевага 1968 йилда Самарқандда Улуғбек расадхонаси музейи директори бўлиб ишлаган Абдусалом Ҳусаинович Акрамов сўзлаб берган экан. 1937 йилда Пўлат Солиевнинг аспиранти бўлган бу инсон ҳам «халқ душмани» тамғаси билан ўша йиллари қатағон домига тортилади. Буни қарангки, тасодифан у Тошкент қамоғида устози билан бир хонага тушиб қолади ва қўлидан келганича соч-соқоли оқариб кетган, анча чўккан устозига кўмаклашади.

- Эллик киши сиғиши мумкин бўлган хонада бир юз эллик нафар тутқун сақланарди, - дея хотирлаган эди Абдусалом Акрамов. – Бу ерда сиёсий тутқинлар билан бирга ҳар хил тоифа ўғрилар, совет тузумига қарши қўлда қурол билан курашган кишилар бор эди. Баъзан улар ўртасида турли масалалар бўйича баҳслар бўлиб турарди. Улар «халқ душмани» тамғаси билан қамалган партия, давлат органларида ишлаган одамларга, олимларга «Бизку бу тузумга қарши курашганимиз рост. Лекин уни ёқлаб, хизмат қилган сизлар нега қамалдинглар?», дея таъна қилишарди. Шунда мен домладан уларга Туркистон тарихидан сўзлаб беришини илтимос қилардим. Пўлат Мажидович бу ердагиларга Амир Темур салтанати, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, Ватанимиз тарихининг турли даврлари ҳақида соатлаб ҳикоялар сўзларди. Ўша пайтлар биз билан қамоқхонада ётган қўрбошилардан бири «Ё товба, бу авлиё одамни қамашга кимнинг қўли борди экан?» дея алам билан гапиргани ёдимда. Мени 1938 йил ёзида Россиядаги лагерлардан бирига жўнатишди. Афсуски, Тошкент қамоқхонасидаги ўша учрашув домла билан сўнгги кўришишимиз бўлиб қолди...

Қатағон қурбонига айланган теран фикрли олим, зукко инсон Пўлат Мажидович Солиев хотираси у қолдирган асарлар, авлодлари қалбида яшамоқда.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**Қатағон қурбонлари хотираси вилоят музейи директори.**

# Сарғайган саҳифаларда




## 1951 ЙИЛ

**6 август.** *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» фахрий унвони таъсис этилди.

**16 август.** Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти XIX асрдаги ўзбек адабиётининг талантли арбобларидан бири, машҳур тарихчи, педагог ва таржимон Мунис Хоразмийнинг шу вақтгача маълум бўлмаган лирик шеърлар тўпламини топди.

**19 август.** Шу йилнинг 7 ойи мобайнида Самарқанд шаҳрида 7000 квадрат метр жойга янгидан асфальт ётқизилди. Карл Маркс, Войков кўчаларининг тротуарлари тўла асфальтланди. Бу иш Коммунистическая, Фрунзе, Почтовая ва бошқа кўчаларда давом эттирилмоқда.

**21 август.** Ўзбекистон халқ артисти Бобораҳим Мирзаев бошчилигидаги артистлар бригадаси Хатирчи районининг пахтакорларига концертлар қўйиб, маданий хизмат кўрсатдилар.

**24 август.** Пахтакорлар (ҳозирги Пахтачи) районидаги «Ленинчи чорвадор» колхозининг правлениеси кино аппарати сотиб олиб, уни клубга ўрнатди. Бу ерда колхозчилар ҳар куни совет кинематографияси томонидан яратилган кинофильмларни томоша қилмоқдалар.

**7 сентябрь.** Австралиянинг тўрт штатида нон нархи 43 фоизга кўтарилди.

**14 сентябрь.** «Ўзбеккнижторг»нинг Самарқанд область конторази Зомин район марказида китоб магазинини очди.

**16 сентябрь.** Ўзбекистон ССР аҳолисининг ҳамма табақаларидан вакиллар қатнашган республика Тинчлик тарафдорлари конференцияси Жаҳон Тинчлик Кенгашининг беш буюк давлат – Америка Қўшма Штатлари, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия ва Франция ўртасида Тинчлик Аҳди тузиш ҳақидаги Мурожаатини якдиллик билан маъқуллади.

**26 сентябрь.** Зомин районидаги давлат арчазорида Самарқанд шаҳри учун ўтин тайёрлаш ва уни сойлардан оқизиб жўнатиш ишлари қизғин давом этаётир. Белгиланган планга мувофиқ, бу йил арчазорда Самарқанд шаҳри учун 3000 кубометр арча ўтини тайёрланиб, оқизилиши керак.

**3 октябрь.** 1951 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда энг яхши кўрсаткичларга эришган илғор районлар, МТС ва совхозлар учун мукофотлар ва уларни бериш тартиби белгиланди.

Ғолибларга кўчма Қизил Байроқлар берилган вақтда уларга 2 мотоцикл, 10 велосипед, 10 та қўл тикув машинаси бериладиган бўлди.

**17 ноябрь.** Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси очилди. Унда адабиёт арбобларидан Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Парда Турсун, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Ойдин Собирова, Зулфия ва бошқалар иштирок этдилар. Декада 27 ноябрда ёпилди.

**2 декабрь.** 1 декабргача вилоятда пахта тайёрлаш режаси 83,67 фоизни ташкил этган.

**6 декабрь.** Ўзбекистон ССР халқ артисти, композитор, Тошкент давлат консерваториясининг директори Мухтор Ашрафий ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сора Эшонтўраеваларга СССР халқ артисти фахрий унвони берилди.

**22 декабрь.** Пайариқ. 1-МТСнинг «Правда» колхозига бириктирилган тракторчиси Акбар Ҳамидов мавсумда 406 тонна кўрак чувиди.

**А.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

*(Давоми бор).*

** Маълумотлардаги ташкилот ва жой номлари ўша пайтда қандай аталган бўлса, аслича берилмоқда.*

*Хотира ва қадрлаш куни олдидан*

# Нарпайлик мерган

Жангчи, давлат ва жамоат арбоби Бектош РАҲИМОВни эслаб

«Ўқитувчи Марям опа Мамашова партага ҳам бўйи етмайдиган кичкинтой ўқувчини баъзида йиқилиб кетишидан сақлаб қоларди. Тўртинчи синфни битириб бешинчига ўтган ака-укани Бухоро-Самарқанд катта йўли чорраҳасидаги Мирбозор деган ерда жойлашган интернатга олиб кетишди. Бу илм даргоҳининг ўз ётоқхонаси ва боғи ҳам бўларди. Интернат уларга илм-тарбия берибгина қолмай, оч-наҳорликдан ҳам сақлаган».

Бу лавҳа Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, давлат ва жамоат арбоби Бектош Раҳимовнинг ҳаётидан олинган. 1924 йил 23 февралда туғилган Бектош Раҳимов урушгача ва урушдан кейинги тинч қурилиш даврида ибратли йўлни босиб ўтди: бошланғич мактабда ўқитувчи, туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, раис, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари, Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоят партия қўмиталарининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Бу йўллар ана шундай залворли, масъулиятли, аммо шарафли йўллар эди.

Бугун биз Бектош Раҳимовнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини эмас, унинг қонли, суронли йилларда кўрган-кечирган оловли йўллари ҳақида фикр билдирмоқчимиз. Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Республика Фахрийлар кенгаши томонидан чоп этилган Хотира китобида ёзилишича, унинг ҳаёти осон кечмади. Аввал онаси, сўнгра отаси ҳаётдан кўз юмди. Оилада уч ака-ука: Очил, Тўхташ ва Бектош ҳамда жажжи сингил Барчиной бўзлаб қолавериш-ди. Кенжа ўғил ака билан мактабга эргашиб борадиган бўлди.

Етимлар ўзини энди эплайман деганда оила бошига яна қора кунлар тушди. Тўхташ акани 1939 йил армия хизматига олиб кетишади. У аввал Финляндия урушида бўлади. Сўнгра фашистларга қарши урушда иштирок этади. Миномётчи Раҳимов Тўхташнинг уйига охирги ёзган хати Львовдан келган эди.

Узоқ Шарққа ҳарбий хизматга олиб кетилган Очил ака эса ўзини совуққа олдириб қайтиб келади. Бектош мактабдош 11 нафар ўртоғи билан ҳарбий комиссариатга келади. Комиссариат улардан 8 нафарини фронтга жўнатадиган бўлди. Бектош билан икки ўртоғини эса қайтаради. Ёши етмаган йигитча қишлоқ кенгаши раиси Эломон ака Тўхлиевнинг олдига бориб илтимос қилади ва «1924 йил 23 февралда туғилган», деган ҳужжат ёздириб олади. Шу тариқа унга чақириқ қоғозини беришади.

Бектош Раҳимов Калуга вилоятининг Козельск деган жойида шиддатли жангларда қатнашади. Снайпер милтиғи билан ҳалок бўлган кичик акаси, совуққа ўзини олдириб яримжон бўлиб қайтган катта акаси, биринчи кунларданоқ фронтга кетиб, ҳаётдан кўз юмган ҳамқишлоқлари, ҳамюртлари учун ўч олади. Маълумки, Москванинг ғарбидаги бу жанггоҳларда мислсиз қурбонлар берилган, 75 йил ўтган бўлса-да бу ерлардан ҳали-ҳануз бевақт шаҳид бўлганларнинг жасади топилмоқда.

Нарпайлик мерганга душманни қувиб Берлингача бориш насиб этмайди. 1945 йил бошида уни Москвага, ҳарбий-сиёсий билим юртига ўқишга юборишади. Бу ерда у 6 ой ўқийди. Ғалаба паради бўлган ўша унутилмас кезларда у Москвада эди.

1945 йил декабрда у ўқитувчи сифатида армия сафидан бўшатилади ва ўз қишлоғига омон-эсон қайтади.

**Унга қайсидир мухбир:**
**- Бектош ака бугун 9 май – Ғалаба куни деб тасаввур қилайлик. Байрам шодлигини кимлар билан баҳам кўришни истардингиз? – деб савол билан мурожаат қилганида у:**
**- Урушдан соғ-омон қайтиб келган барча юртдошларим билан бирга бўлишни жуда-жуда истайман. Буни мен хизмат тақозоси деб эмас, одамийлик бурчим деб биламан, - деган экан у.**

Ана шу одамийлик ва бурч жангчи, сиёсат ва жамоат арбоби Бектош Раҳимовнинг қатъий шиорига айланди. Ундан яхши аъмоллар, кўпгина эзгу ишлар қолди. Андижон ва Хоразм, Самарқандда бунёдкорлик ишлари, хусусан Регистон майдони саҳнидан 2-2,5 метр тупроқ олиниб, улкан мажмуа асл ҳолига қайтарилгани, шоир-бахшилар хиёбони бунёд бўлгани ва ниҳоят 33 жилдли Хотира китоби яратилганлиги – буларнинг ҳаммаси Бектош Раҳимовнинг ташаббуси, ғайрати, куйинчаклик ва қатъияти самарасидир.





Яна бир гап.

- Бу воқеа 1981 йил Москвада бўлган эди, - дейди 1968-1990 йиллар Ўзбекистон телевидениеси "Ахборот" дастурининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган, меҳнат фахрийси Анвар Тожиев. – Мен журналист сифатида (Ўзбекистон съезди матбуот маркази» вакили эдим) ажойиб хабар топдим. Москванинг Кузминки туманида янги қурилишлар авж олган жойда, янги очилган кўчаларга "Самарқанд", "Тошкент" ва "Фарғона" номлари берилганди.

Дарҳол ўша жойларга бордим. Дарҳақиқат, киши ҳайратга тушадиган шоҳ кўча (проспект)нинг кенглиги камида 80 метр келади. Икки томонида 9 ва 12 қаватли уйлар, ажойиб иншоотлар бор, кўчага энди асфальт ётқизилмоқда. Съездлар саройида Бектош Раҳимовни топиб, кўрганларимни айтдим. У киши ҳам жуда қувонди. Ҳамма ўзбекистонлик депутатларни кечки мажлисдан сўнг ўша жойга олиб бордик. Барча ҳайратда "Самарқанд" шоҳ кўчасини учта катта кўчалар – "Тошкент", "Фарғона" ва "Фарғона" тор кўчалари кесиб ўтган. Буни қарангки, Бектош ака бу кўчаларга янги номлар берилишида Москва шаҳри ҳокимияти раҳбарлари билан олдиндан келишиб қўйган экан.

Бу воқеа кино плёнкаларга муҳрланиб, съезд кунлари Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дастури орқали эфирга узатилган. Москва шаҳрида "Самарқанд" номли шоҳ кўчанинг пайдо бўлишида Бектош аканинг хизмати катта бўлган.

**Адҳам ҲАЙИТОВ.**

*Сиёсий шарҳ*

# Келишиб бўлмайдиган Келишув

Яқинда АҚШ президенти Дональд Трамп томонидан таклиф этилган Исроил ва Фаластин ўртасидаги ер эвазига тинчлик келишув режасининг эълон қилиниши бутун мусулмон дунёсини яна жунбушга келтирмоқда. Унга кўра, Қуддус шаҳри Исроилнинг ягона ва бўлинмас пойтахти деб тан олиниши керак. Шундоқ ҳам икки давлат орасидаги чегаралар ҳали баҳсталаб бўлиб турган бир пайтда содир этилган бу ҳаракат Яқин Шарқдаги нотинч вазиятни янада таранглаштирди.

Дунё харитасида Исроил давлати пайдо бўлган 1948 йилдан буён ушбу жафокаш ўлкада тинчлик – деярли йўқ. Нега десангиз, янги давлат ташкил топиши биланоқ, маҳаллий арабларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиб, қувғин қилиш ва геноцид сиёсатини юрғиза бошлади. Айтиш мумкинки, фашизм балосидан азият чеккан халқ ўзининг янги турдаги фашизми – сионизмни яратди. Ўшанда, қисқа вақт ичида, араб миллатига мансуб аҳолининг 60 фоизи ўз туғилган жойларидан ҳайдаб чиқарилди. Юзлаб қишлоқларга ўт қўйилиб, ер билан яксон қилинди. Бир миллиондан ортиқ фаластинлик муҳожирга айланиб, қўшни мамлакатлардаги қочоқлар манзилгоҳларида жон сақлашга мажбур бўлди. Мана, 70 йилдирки бу халқ киндик қони тўкилган ватанидан мосуво, мусофирлик ва эрксизликда яшашга мажбур.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчи фашистлар томонидан уларнинг оммавий равишда қатлиом этилиши жаҳон ҳамжамиятини яҳудийлар тақдирига яхшироқ эътибор билан ёндашишга ундади. Бу борада АҚШ ва собиқ СССР бошқа мамлакатлар орасида етакчи бўлишди. Ҳатто, Сталин ўша даврда маҳаллий аҳолиси кўчириб юборилган Қрим ярим оролини совет яҳудийларига тортиқ қилмоқчи ҳам бўлган. Бундан илгарироқ, 1934 йилда совет ҳукуматининг махсус қарори билан Узоқ Шарқда Яҳудий миллий автоном области ташкил этилиб, жабрдийда халққа ўз кичик ватанига эга бўлиш имконияти яратиб берилганди.

1945 йилда АҚШнинг ўша даврдаги президенти Гарри Трумен ҳам Фаластинни идора қилиб турган Буюк Британия премьер министрига расман мурожаат қилиб, юз минг нафар яҳудийни қадимги тарихий ватанига кўчиб боришига рухсат сўради. 1947 йилда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан АҚШ ва собиқ СССР раҳбарларининг босими остида Фаластинни иккита – араб ҳамда яҳудий давлатларига ажратиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Шубҳасиз, бунга барча араб давлатлари қарши чиқишди, аммо БМТ даги аъзо давлатларнинг кўпчилиги ушбу қарорни ёқлаб овоз берди.

Шундан кейин бу ерларда содир бўлган воқеалар тарихдан яхши маълум. 1948-49 йилларда давом этган икки йиллик урушдан сўнг Исроил Фаластиннинг ярмидан кўпини эгаллаб олди ва юқорида ёзганимиздек, миллиондан зиёд ерли халқни ўз ватанидан маҳрум қилди. Олтита йирик араб давлатлари янги туғилган яҳудий давлатини йўқотишга уриниб, ҳарбий ҳаракатлар бошлашди. Бироқ, араблар орасидаги анъанавий тарқоқлик ва худбинлик ҳамда кучли Ғарб давлатларининг Исроилга кўрсатган ёрдамлари уларнинг мақсадларига монелик қилди. Бу урушдан кейин тўлиқ устунликка эришган исроилликлар маҳаллий аҳолига ўзлари хоҳлаганларидек муомала қила бошладилар.

1967 йилда содир бўлган олти кунлик урушдан сўнг эса, фаластинликлар ҳамда атрофдаги араб давлатлари Исроилдан яна енгилдилар ва яна янги-янги ҳудудларни бой бериб қўйдилар. Шундан сўнг, жабрдийда Фаластин халқига кимлар ёрдам беришга уриниб кўрмади дейсиз. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юзлаб резолюциялари қабул қилинди. Собиқ шўролар иттифоқи Яқин Шарқ масаласида халқаро конференция чақиришга даъват қила-қила, охири ўзи ҳам йўқликка юз тутиб кетди.

Орадан ярим аср ўтар-ўтмас, қисқа вақт ичида Фаластин забт этилди. Унинг ўрнида икки мамлакат – араб ва яҳудий давлатлари ташкил топиши лозим эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, XX асрнинг ўрталарида мустақил Исроил давлати пайдо бўлди, аммо мана орадан шунча йиллар ўтишига қарамасдан, араб давлатини ташкил этилиши ниҳоятда қийин кечмоқда. Тўғри, Фаластиннинг чин маънодаги тўлақонли давлат сифатида шаклланишига Исроил доимий қаршилик кўрсатиб келмоқда, бироқ ҳадеб айбни бир томонга тўнкайвериш ҳам инсофдан эмас. Шу маънода, Яқин Шарқнинг янги тарихи саҳифаларида битилган қуйидаги маълумотларга диққатимизни қаратайлик.

Энг қизиғи шундаки, БМТнинг Қуддусни бетараф шаҳарга айлантириб, янги Фаластин ва Исроил давлатларини ташкил этиш тўғрисидаги 1947 йил 29 ноябрдаги қарорига аввало, араб мамлакатларининг ўзлари қарши чиқишган. Чунки улар собиқ Британия мустамлакаси ҳисобланмиш Фаластин заминида яҳудий давлатининг пайдо бўлишига мутлақо рози эмасдилар. Ўша пайтда улар, ҳали Исроил давлат сифатида шаклланиб улгурмасдан, уни йўргакдаёқ бўғиб ташлашлари ҳам мумкин эди. Бироқ тарих ўзгача ҳукм чиқарди. Бунда, араб мамлакатларининг нобоп сиёсати оқибатида, янги яҳудий давлати йўқ жойдан шаклланди ва Ғарб давлатларининг кўмагида оёққа тура бошлади. 1967 йилда бошланган бир ҳафталик уруш давомида Исроил чегараларини янада кенгайтириб, қўшни араб мамлакатларининг бир қисм ерларини ҳамда янги тузилажак Фаластин давлати учун ажратилган ҳудудларнинг ҳам катта бўлагини эгаллаб олди. Натижада, Фаластин Ғарбий Иордан ва Ғазо сектори деб аталмиш ҳудудларга бўлиниб кетди. Иордан дарёси бўйидаги Фаластинда мўътадил кайфиятдаги бошқарув жорий этилган бўлса, Ғазо секторида "Хамас" деб номланувчи диний-экстремистик руҳдаги сиёсатчилар хўжайин бўлиб олишди. Фаластиннинг ҳанузгача тўлақонли суверен давлатга айлана олмаганлигининг мутлақ ички сабаблари ҳам мавжуд. Айтайлик, ҳали ташкил топмасиданоқ бўлиниб кетган ҳудудларни бошқараётган сиёсатчиларнинг умумий тил топишлари ниҳоятда қийин кечмоқда. Энг ёмони шундаки, ён қўшни – Исроил Ғарб давлатлари ёрдамида нисбатан қисқа бир муддатда ҳар жиҳатдан ривожланган демократик



мамлакатга айланиб улгурган бўлса, фаластинликлар ҳали-ҳануз, ҳатто, электр қувватини ҳам четдан олишга мажбур. "Қўлдан берганга қуш тўймас" деганларидек, Исроил ва Мисрдан олинаётган чироқ бир кеча-кундузда бор-йўғи 2-3 соат ёнар экан. Бу билан халқ хўжалиги қай тариқа фаолият юрғизади ва умуман, ҳозир Фаластинда ишлаб чиқариш мавжудлиги ҳақида ҳам бирор нарса дейиш мушкул. Мен Фаластин давлатининг иқтисодиёти ҳақида маълумот излаб интернетдаги бир неча манбаларга кирганимда, айтарли бирор арзигулик гап топа олмадим. "Википедия"да ҳам кўпроқ сиёсий ва тарихий маълумотлар учрайди, холос.

Ўтган асрнинг охирларида Европа мамлакатларининг ёрдами билан Ғазо секторида кичикроқ бўлса-да, электростанция қурилган экан, бироқ мутахассислар ва ёқилғи етишмаслиги натижасида, унинг ҳам фаолияти тўхтаб қолибди. Четдан мутахассис чақиришнинг эса имкони йўқ. Ким ҳам ҳаётини хавф остига қўйиб, нотинч жойларга ишга борарди дейсиз. Хуллас, орадан шунча давр ўтишига қарамай, фаластинликлар нуқул хориж ёрдамига кўз тикиб туришибди. Мақола учун маълумот тўплаш давомида, интернет тармоқларида жабрдийда Фаластин халқига ёрдам сўраб битилган кўплаб даъватномаларни ўқишимга тўғри келди. Жумладан, уларнинг бирида шундай деб мурожаат қилинади:

"Биздан Фаластинга қанақа ёрдам керак деб сўрасангиз, шундай жавоб берамиз: - Ҳамма нарса керак. У ерда ҳамма нарса етишмайди: нон, тиббиёт жиҳозлари, дори-дармон, қурилиш материаллари... Ғазо сектори XXI асрдан узилиб қолган оролдир.

Бизнинг жамғармамиз инсонпарварлик ёрдамларини муҳтожларга етказиб беради".

Бу сингари мурожаатномаларни ўқир экансиз, бундан юз йил илгариги ҳолат яна киши ёдига келаверади. Наҳотки, миллат менталитети шунча вақтдан кейин ҳам ўзгармаган бўлса. Ҳолбуки, бир вақтлар урушдан хонавайрон бўлиб чиққан халқлар бугун батамом тикланиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ўз туғилган жойларидан кетишга мажбур этилган қанчадан-қанча одамлар янги ватанларига ўрнашиб, ҳаётларини бинойидек қуриб олишди. Тарих ғилдирагини ортга қайтариб бўлмайди. Радикал исломий гуруҳлар умид қилишаётганидек, Исроилни энди дунё сиёсий харитасидан ўчиришнинг иложи йўқ. Ҳозирги дунё ҳамжамияти ҳам бунга асло йўл қўймайди. Қолаверса, фаластинлик араб халқига умрининг охиригача ҳар томонлама ёрдам бериб турган СССР деб аталмиш қудратли империя ҳам энди йўқ. Исроилнинг замонавий мукаммал ҳарбий машинасига эса палахмон ва калтак билан бас келиб бўлмайди. Аксинча, бу мамлакат билан содир бўладиган ҳар битта янги можаро янги-янги қурбонлар берилишига сабаб бўлаверади.

Энди бизнинг назаримизда, иккига бўлиниб кетган Фаластин халқлари ўртада бўлиб ўтган зиддият ва келишмовчиликларни бир чеккага қўйиб, ўзаро янги муносабатларга киришишлари керак. Бунда, авваламбор, икки томонлама тинчлик шартномаси тузилиб, араблар ҳамда исроилликлар тинч-тотувликка эришмоқлари лозим. Ўртадаги баҳсталаб бўлиб турган Қуддус масаласига келсак, муқаддас бу шаҳарни ҳам мусулмонлар, ҳам насронийлар, ҳам яҳудийлар учун бир хил тегишли бўлган қадамжога айлантирмоқ лозим. Ўша 1947 йилда БМТ томонидан таклиф этилган резолюция яна қайтадан кўриб чиқилиб, унинг пойтахтлик мақоми ҳақидаги ҳар иккала давлатнинг даъволари рад этилиши ва Қуддус халқаро аҳамиятдаги бетараф шаҳар дея эълон қилиниши даркор. Исроил ва Фаластин давлатларининг пойтахтлари эса худди аввал қарор қилинганидек, Тель-Авив ҳамда Рамаллоҳ шаҳарлари бўлиб қолаверади.

Нима бўлганда ҳам, энди бу икки халқ тақдир тақозоси билан ёнма-ён яшашга маҳкум. Шундай экан, ушбу масалада бундан буёғига муросаи мадора қилишдан ўзга ҳеч қандай чора йўқ. Жаҳолат, зулм ва адолатсизликларга қарши курашнинг энг самарали усули эса маърифат ва меҳнатдир. Жаҳолат маърифат воситасида бартараф этилса, озодлик ва адолатга машаққатли меҳнат орқалигина эришилади. Шу маънода, фаластинликлар халқаро хайрия ташкилотларидан олинаётган ёрдамларни қўлбола ибтидоий ҳарбий қуроллар ишлаб чиқаришга ёки турли террорчилик тадбирларини амалга оширишга сарфламасдан, болаларига замонавий таълим ва тарбия беришга қаратишлари, янги-янги корхоналар барпо этиб, қашшоқликда яшаётган фуқаролар учун кўплаб иш ўринлари яратишлари лозим. Ана шундагина Фаластин ҳам Исроилга тенг мавқега эга бўлган замонавий ривожланган мамлакатга айланиши мумкин. Балки, кейинчалик, киндик қони тўкилган жойлардан қувғин бўлган фаластинлик арабларни ўз азалий ватанларига қайтаришнинг ҳам имконияти пайдо бўлиб қолса, ажаб эмас.

**Худойберди КОМИЛОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

Вилоятда сил хасталигининг олдини олиш ва даволаш мақсадида битта марказ, иккита силга қарши курашиш диспансери, 14 та хасталикка қарши курашиш бўлимлари ва битта сил касаллигига ихтисослашган 270 ўринли болалар сиҳатгоҳи мавжуд.

## Маҳкумлар ҳам фтизиатрлар кўригидан ўтмоқда

Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, сил инфекциясини ўз вақтида аниқлаш мақсадида шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари таркибида фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт шифокорлари ўз ҳудудига қарашли аҳоли ўртасида бир йилда бир марта профилактик кўрик ўтказиш учун рўйхатни шакллантириши белгиланган. Ушбу рўйхат асосида фтизиатрлар кўмагида кўрик ташкил этилади. Айтиш керакки, сил хасталигига хавф гуруҳидаги аҳолига турли сурункали хасталиклар билан оғриганлар ҳам киради. Сабаби, узоқ йиллар давом этган хасталик уларнинг иммун тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ушбу қарор ижросига кўра беморлар нурланишининг олдини олиш мақсадида диагностика таҳлили рентген аппарати ёрдамида эмас, балки балғам орқали ўтказилмоқда. Ушбу таҳлилни амалга ошириш учун вилоятнинг барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари зарур воситалар билан жиҳозланган.

Бир ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда сил хасталигини аниқлаш учун иммунодиагностика усулини самарали ўтказиш мақсадида ҳамшираларни ўқитиш режалаштирилган. Шу ўринда айтиб ўтишни истардикки, туберкулин синамаси, яъни манту 14 ёшгача бўлган барча болаларга қилинарди. Айни пайтда унинг такомиллаштирилган тури диаскен синамаси рўйхат асосида амалга оширилади. Синама организмда сил таёқчалари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Яъни, бу силга қарши вакцина эмас, балки уни аниқлаш учун керак.

Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, ўтган йилдан бошлаб Самарқанддаги жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларни сил касаллигига доир тиббий текширувдан ўтказилиши бошланди. Бу мақсад учун тажрибали фтизиатрлар жалб этилиб, маҳкумлар кўрикдан ўтказилмоқда. Шу пайтга қадар улар орасида ўнлаб беморлар борлиги аниқланиб, даволаш муассасасида даволаб, қайтарилди.

Аҳоли орасида юқори нафас йўллари ва ўпкадаги касалликларни диагностика ва даволаш тиббий хизматини ташкил этиш бўйича марказимизда шу йил 45 ўринли пульмонология бўлими ташкил этилади.

**Қ.ҚЎЙЛИЕВ,**
**вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази директори ўринбосари,**
**А.АШУРОВ,**
**марказ бўлим мудири.**

***Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, тадбиркорлар диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли ҳамда 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сонли Фармонлари талабларига мувофиқ Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 октябрдаги 665-Қ-сонли ҳамда 2019 йил 27 октябрдаги 62-Қ-сонли қарорларига асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион савдосига чиқарилган Самарқанд вилоятида жойлашган қуйидаги давлат мулки объектлари бўйича такрорий**

# САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

| № | Объект номи | Жойлашган манзили | Балансда сақловчи ташкилот номи | Умумий ер майдони (га.) | Қурилиш ости майдони, (кв.м.) | Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори | | | Ташкил этиладиган фаолият тури |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Инвестиция миқдори (млн. сўм) | Кириш муддати | Яратиладиган янги иш ўринлари сони (нафар) | |
| 1. | Собиқ "Хайробод" ҚФЙ бўш турган биноси | Пахтачи тумани Амиробод МФЙ | Пахтачи туман ҳокимлиги | 0,1 | 372,98 | 1 200,0 | 1 йил | 20 | Нодавлат таълим |
| 2. | Савдо растаси | Каттақўрғон шаҳри Туркистон кўчаси | Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги | 0,01 | 100,92 | 500,0 | 10 ой | 8 | - |

Бўш турган бино-иншоотларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилади. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

**Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:**

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосига қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинет"ига ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

**Аукцион жараёни:**

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этиб, ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

**Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:** Самарқанд шаҳри Мир Саид Барака кўчаси, 49-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават (хусусийлаштириш бўлими).

**Маълумот учун телефонлар:**
**(0366) 237-71-45, 233-73-54.**
**Факс: (0366) 233-73-54.**
**E-mail: samarqand-gkk@exat.uz**
**Интернет тармоғидаги веб-сайт:**
**samarqand@davaktiv.uz**

# ОГОҲ БЎЛИНГ, МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ!

UTG UZTRANSGAZ

**Магистраль газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чораларини кўриш ғоятда муҳим. Вилоятимизнинг Самарқанд шаҳри, Самарқанд, Нуробод, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Оқдарё, Паст Дарғом, Каттақўрғон, Нарпай, Ургут туманлари ҳудуди бўйлаб аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистраль газ қувурлари ётқизилганлигини ҳисобга олсак, масала кундек равшан. Шу сабабли ҳамюртларимизга мурожаат қилмоқдамиз.**

Магистраль газ қувурлари таркибига газ қувурлари, кран тугунлари, электр кимёвий ҳимоялаш ускуналари (ЭХЗ), юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари (ЛЭП), газ қувурлари трассаси бўйлаб ётқизилган йўллар, газ қувурларини билдирувчи ва танитувчи белгилар киради.

Нормал иш режимини таъминлаш, қувурлар шикастланишининг олдини олиш мақсадида "Магистраль газ қувурларининг ҳимоя қилиш қоидалари" ва Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги кодекси 69-моддасига асосан қувурларнинг муҳофаза зонаси ўрнатилган.



Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи майдонлар ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди, фақат мазкур майдонда магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишларни олиб бориш мумкин.

**Муҳофаза зонасида қувурларнинг меъёрида ишлашига ҳалақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш тақиқланади. Хусусан:**

*- ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш, доимий ва вақтинчалик иморатлар тиклаш;*

*- ҳар хил турдаги дарахт ва буталарни экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан ғамлаш, чорва молларини сақлаш ва сув ичадиган ҳовузлар қуриш, балиқ етиштириш учун участкалар ажратиш ва балиқ ҳамда бошқа сувда яшовчи ва сузувчи ҳайвонларни парваришлаш;*

*- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш йўлларини қуриш, трактор ва бошқа оғир механизмлар учун турар жойларини барпо этиш, жамоат боғлари ва полизларни ташкиллаштириш;*

*- турли хил қурилиш-монтаж, портлатиш ва бурғулаш ишларини амалга ошириш, тупроқни суриш ва текислаш;*

*- мелиорация ишларини бажариш, суғориш ва сув қочириш каналларини қуриш, чуқурлаштириш;*

*- назорат-ўлчов қудуқлари, назорат ўлчов пунктлари, билдирувчи ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларини ўзгартириш;*

*- кабель алоқаси хизмат кўрсатилмайдиган кучайтирувчи пунктларнинг қопқоқларини, кимёвий ҳимоялаш станцияси ва бошқа ускуналар атрофига ўрнатилган сим тўсиқларни очиш ва ичига кириш, кранлар, зулфинлар ва жўмракларни очиш ёки ёпиш, алоқа воситалари ва энергия таъминоти ускуналарини ўчириш ва ёқиш;*

*- белгиланган ҳудудда турли хил чиқиндиларни йиғиш, ерга ишқорлар, тузлар, кислота эритмаларини тўкиш;*

*- ҳар хил мақсадларда олов ёқиш, қуруқ ҳашак ва сомонларни ёқиш.*

*- ҳимоя ҳудудларида сунъий ҳавзалар ва шоли экинлари экиш.*

Магистраль газ қувурларини ҳимоя қилиш қоидаларининг бузилишида айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра жавобгарликка тортилади.

**БЕЛГИЛАНГАН ХАВФЛИ ХУДУД (қувур ўқидан ҳар иккала тарафга):**

*- диаметри 300 мм. гача бўлган газ қувури учун - 100 метр;*

*- диаметри 600 мм. гача бўлган газ қувури учун - 150 метр;*

*- диаметри 800 мм. гача бўлган газ қувури учун - 200 метр;*

*- диаметри 1000 мм. гача бўлган газ қувури учун - 300 метр;*

*- диаметри 1000 мм. Шўртан-Сирдарё МГ қувури-500 метр;*

*- диаметри 1200 мм. ва ундан юқори бўлган газ қувурлари учун - 350 метрни ташкил этади.*

Шу билан биргаликда аҳолимиз эътиборини қуйидагиларга қаратмоқчимиз. Давлатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатига кўра, аҳоли томонидан тегишли маҳаллий ҳокимиятлар рухсатисиз аввалдан қуриб олиниб, ҳозирда аҳоли истиқомат қилиб келган айрим уй-жойлар ҳам тегишли ҳужжатлар орқали эгаларига мулк сифатида расмийлаштириб берилмоқда. Лекин магистраль газ қувурларининг хавфли ҳудудида ёки бошқача айтганда "Қизил ҳудуд" ичида қурилган ноқонуний иморатлар учун бу енгилликлар тадбиқ этилмайди ва бундай иморатлар бузиб ташланиши керак бўлади.

Агарда ҳамюртларимизнинг ер участкаси ёки деҳқончилик қилаётган майдони магистраль газ қувурлари яқинида жойлашган бўлса, бирор турдаги қурилиш ишларини бошлашдан олдин, шу газ қувурига хизмат кўрсатувчи бошқармага мурожаат қилиб иш кўриш тавсия этилади. Шундай ҳолда фуқароларимиз ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний иморатнинг бузилиши билан боғлиқ ортиқча асаббузарлик ва кераксиз моддий чиқимлардан холи бўлишади.

**Ташкилотимиз манзили:**
**Самарқанд туман Гулобод маскани Газчилар қўрғони.**
**Телефонлар: (0366) 612-56-01, +99899-022-77-12.**

**САМАРҚАНД МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ ВА САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ САМАРҚАНД ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.**

## АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***«JOMBOY KO'CHATCHILIK TOMORQA XIZMATI» масъулияти чекланган жамияти 2019 йил якуни бўйича миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари (МБҲС) асосида ташқи аудиторлик текшируви ўтказиш учун танлов эълон қилмоқда.***

**Танловда иштирок этадиган аудиторлик ташкилотлари:**

*- миллий сертификатлаш тизимига мувофиқ юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлиши;*

*- халқаро молиявий ҳисобдорлик стандартлари (аудит, ҳисоботлар ХМҲСга мувофиқлиги) бўйича йирик Ўзбекистон ва халқаро компанияларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ амалий тажрибага эга бўлиши;*

*- таркибида ХМҲС ва ХАС соҳасида зарурий бухгалтерлик (аудиторлик) малакага эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатларга (ACCA, DipIFR, CPA, CIPA) ва камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар фаолият юритадиган бўлиши шарт.*

**Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:**

*- иштирокчининг танловда қатнашиши бўйича таклифи ва аудиторлик текширув ўтказишнинг дастлабки қиймати;*

*- аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумот ва лицензияси нусхаси;*

*- аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари рўйхати ва соҳада тегишли иш тажрибаси;*

*- аудиторнинг малака сертификатлари ва бошқа халқаро сертификатлар нусхалари;*

*- суғурта полисининг нусхаси.*

Танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари газетада эълон чоп этилгач, 10 кундан кечиктирмай қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Жомбой тумани, Назар маҳалласи.**

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Наврўз агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 23,4 га. (шундан: 16,3 га. сувли, 3,8 га. узумзор, 0,6 га. ариқ ва зовурлар, 0,4 га. йўллар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 10 мартга қадар қабул қилинади.

**Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2017 йил 4 майда 514809 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MULTI STAR" оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: "MULTI STAR" OK) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 21 февралдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Мотрид маҳалласи.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304873454.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Джумаев Сафарали Нарзикуловичга (2019 йил 24 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Сиддиқова Ойтўтига (2015 йил 30 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Умарқулова Зулфияга (2017 йил 30 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Булунғур туман давлат нотариал идорасида марҳум Ачилов Эсанбай Авалбаевичга (2008 йил 28 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунғур туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик кўчаси.**

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Нарзиева Асалга (2013 йил 8 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон академик лицейидан 2019 йилда Худойбердиев Шербек Шавкатилло ўғли номига берилган рўйхат рақами 437, L № 367041 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 70-ўрта мактабдан 1995 йилда Мустафоева Роҳила Маҳамматовна номига берилган O'R-A № 108737 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги «Соҳибқирон» хусусий фирмасининг (СТИР: 202040799) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Ахралов Жахонгир Баходирович номига берилган K № 4679235 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Мухитдинов Умиджон Низомиддин ўғли номига берилган K № 5551995 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Урунов Рофи Ашурович ва Хусинов Муртаз Умаровичлар ўртасида 2015 йил 18 майда Самарқанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси, 3-«А» уй манзилида жойлашган савдо дўкони учун тузилган, «Best realtor» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар натижасида тузилган № 008-сонли келишув баённомасига асосан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Урунов Рофи Ашурович ва Хусинов Муртаз Умаровичлар ўртасида 2015 йил 31 мартда Самарқанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган 2 қаватли савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноси учун тузилган, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар натижасида тузилган № 43-сонли келишув баённомасига асосан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Урунов Рофи Ашурович ва Хусинов Муртаз Умаровичлар ўртасида 2015 йил 31 мартда Самарқанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган 2-қаватда жойлашган савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноси учун тузилган, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар натижасида тузилган № 42-сонли келишув баённомасига асосан расмийлаштирилган олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Садикжанов Шахбоз Обидович (ҳозирда Самадов Шахбоз Абдумуродович) номига берилган U № 5343988 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаролар Умирова Муборак Уруновна ва Алимова Шаҳодат Сайдирасуловналар ўртасида 2019 йил 24 декабрда Самарқанд вилояти Жомбой тумани, Каттақишлоқ МФЙда жойлашган уй-жой учун тузилган, Самарқанд шаҳар 20-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланиб, 3410 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2015 йилда Очилов Ботиржон Мавлонович номига берилган рўйхат рақами 14615, K № 3837896 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежидан 2019 йилда Абдувохидова Фарзона Абдулазиз қизи номига берилган рўйхат рақами 287, K № 5567021 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут агросервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Бердиев Нуманжон Тулқин ўғли номига берилган K № 5582070 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Бердиев Нуманжон Тулқин ўғли номига берилган U № 7458793 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2018 йилда Абдиева Ўғилой Сайилбоевна номига берилган рўйхат рақами 1113, B № 977546 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Фуқаро Бойсариев Камол Норбутаевичнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси (АБ 051526) ва талони (АА 069526) Нарпай тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99899-311-21-94.**

## Илҳомхон ФАЙЗИЕВ



Бешафқат ўлим вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиали бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Илҳомхон Файзиевни орамиздан олиб кетди.

И.Файзиев 1972 йилда Оқдарё туманида туғилганди. Қурувчи-бунёдкор бўлиш орзусида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида таҳсил олди. Ўз орзусига етишиш мақсадида муҳандис-қурувчи сифатида дастлаб хўжаликлараро қурилиш трестининг 158-кўчма колоннасида уста сифатида иш бошлади. Кейинчалик тажриба ва маҳоратини ошира бориб, Самарқанд шаҳар ер муносабатлари ва бино-иншоотлар давлат кадастри бошқармасида рўйхатга олувчи, вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастри бошқармаси баҳолаш бўлими баҳоловчиси, Самарқанд шаҳар ер муносабатлари ва бино-иншоотлар давлат кадастри бошқармасида бош муҳандис, мазкур идоранинг вилоят корхонасида бўлим бошлиғи, Геодезия ва картография миллий маркази давлат унитар корхонаси Самарқанд филиали директори, вилоят «Электртармоққурилиш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 48-механизациялашган жамланмада ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, Самарқанд шаҳар «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси бош муҳандиси каби вазифаларда фаолият кўрсатди.

У қаерда, қайси вазифада ишламасин топширилган вазифага масъулият билан ёндашди. Билимдонлиги ҳамда касбига меҳр-муҳаббати билан меҳнат жамоаларида ҳурмат қозонди, тармоқ ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Самимий дўст, тажрибали раҳбар ва ташкилотчи, фаол жамоатчи Илҳомхон Файзиевнинг порлоқ хотираси қалбимизда сақланади.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ.**

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси жамоаси кафедра доценти Марат Жамоловга укаси

**Эркин ЖАМОЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# Наврўз соғинчи



Наврўзга оз фурсат қолди. Ҳадемай қир-адирларда майсалар қулф уради, бойчечак, чучмома, бинафша ва тоғларда лолалар хандон отади. Дов-дарахтларда новдалар куртак отиб, илк ҳосил нишонлари – ғунчалар лаб очади.

Бутун ўлкамиз бўйлаб кўклам нафаси кезади. Тандирларда кўк сомса, ялпиз пичаклар ёпилади. Дошқозонларда сумалак, халиса каби тансиқ таомлар қайнайди. Атрофида табаррук момоларимиз, қиз-жувонлар, келинчаклар лапар айтиб ўйин-кулги қиладилар. Болаликнинг беғубор орзулари қалбида жўш урган болажонлар варрак учириб, хаёлан кўкларга парвоз қиладилар. Қизалоқлар тол хивичлари, баҳор майсаларидан бошларига тожбаргак кийиб, шўх-шодон халинчак учадилар.

Ҳамма – катта-кичик янги либосларини кийиб умумхалқ сайлига чиқади. Нуроний отахону онахонларимиз қорли-қировли қиш кунларидан эсон-омон кўкламга етказгани учун Яратганга шукрона айтишади. Йил баракали, ҳосил мўл-кўл, чорва сермаҳсул бўлишини тилайдилар. Байрам шодиёнаси кураш, кўпкари, арқон тортиш, чиллак, оқ теракми, кўк терак, бештош каби қувноқ халқ ўйинлари билан янада гаштли ўтади.

Наврўз тарихи 3 минг йилдан ортиқ даврга бориб тақалади. Қадим замонларда одамлар қуёш ва ой ҳаракатларини яқиндан кузатишган. Кун билан тун тенг бўладиган палла – ҳозирда бу 21 мартга тўғри келади. Ерга уруғ сочиш, мўл ҳосил олиш учун энг мақбул пайт эканлигини англашган. Қаҳратон қиш тугаб, она замин сахий қуёш нури остида қизиб бутун борлиқ уйғонган.

Наврўз форс тилида «янги кун», деган маънони англатади. Наврўз маросимларида миллий ва диний анъаналар қўшилиб кетган. Собиқ совет тузуми даврида шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг бу қадим қадрияти – Наврўз байрамига диний тус берилиб, уни нишонлаш тақиқлаб қўйилганди. Мустақиллик туфайли бу қадриятимиз қайта тикланди ва ҳар йил умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Халқимиз бу йилги Наврўзни ҳам ўзгача хуш кайфият билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Наврўзга тайёргарлик жараёнида жойларда табаррук нуронийларимиз, фаоллар ўтмиш тарихимиз, анъана ва қадриятларимиз ҳақида, юртимизда амалга оширилаётган оламшумул ишлар ҳақида сўзлаб берадилар. Наврўз ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро қалбида эзгулик, яхшилик уруғи бўлиб куртак ёзади. Бизни бунёдкорлик, янгича фикрлаш, онг ва тафаккурнинг юксак уфқлари сари ундайди.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# Ёш каратэчилар беллашди

Самарқанд шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабида болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэнинг WKF йўналиши бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди.

Уч юзга яқин ёш спортчи иштирок этган мусобақада ўсмирлар ўртасида Ж.Абдуллаев, Ҳ.Тожиқулов, У.Исроилов, қизлар ўртасида эса Д.Тўрақулова, С.Жуманиёзова каби иқтидорли каратэчиларимиз шоҳсупадан ўрин олди. Умумжамоа ҳисобида мезбон мактаб тарбияланувчилари биринчи ўринни олган бўлса, Самарқанд шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактаби вакиллари ҳамда ургутлик ёш спортчилар кейинги ўринларни эгаллашди.

**Игор АБДУКАРИМОВ.**

# Ҳарбийларнинг рафиқалари лапар айтди

Одатда ҳарбий қисмларда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, у хоҳ маданий-маърифий бўлсин, хоҳ ҳарбий-жанговар, унга ҳарбийларча тартиб-интизом билан ёндашилади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳарбийларнинг аёллари ўртасида «Балли, аёллар» кўрик-танлови Самарқанд гарнизони ҳаво ҳужумларидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисмида юқори савияда бўлиб ўтди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг рафиқалари ўзаро беллашди.

– Кўпчилик ҳарбийларнинг маоши юқори, уларнинг оиласи эътиборга муҳтож эмас, деб ҳисоблайди, - дейди ҳарбий қисм мутахассиси Лиана Сорочина. - Ваҳоланки, турли шаҳарларда хизмат қилиш, доимий сарсонгарчиликлар, ҳар гал нотаниш муҳит билан рўбарў келиш, қариндош-уруғларидан узоқда, баъзида турмуш ўртоғини ойлаб кўрмаслик ҳолатлари ҳарбийларнинг оиласидан ўзига яраша матонатни талаб этади. «Балли аёллар» танлови ҳам уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, эътиборда эканини ҳис қилишлари учун ташкил этилди.

Танловда иштирок этаётган, Нукусда яшайдиган Соҳиба Хўжамуродова лапар айтишда иштирокчиларни лол қолдирган бўлса, Газлидан келган Дилафрўз Фармонова аллани қойиллатиб айтди. Қаршида истиқомат қилувчи Шоҳиста Шерматова дадиллиги, Муштарий Акабоева эса чеварлиги, самарқандлик Муқаддас Ҳақбердиева қадриятларни улуғлаши билан мухлислар эътиборига сазовор бўлди. Биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи Самарқанддаги ҳарбийнинг оиласи Наргиза Исаковага насиб этди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

Оёғида базўр юра оладиган, касалманд, саксон уч ёшли Болқим момо яқин дугонаси, ўзи тенги Зархол момонинг ўсал ётганини эшитиб беҳад ҳаяжонланди ва катта елим халтага асал, новвот, иссиқ нон ҳамда шираворлар солиб, дугонасини кўргани йўлга отланди.

# Дугона

(Қатра)

Юки оғир эди. Унинг залворидан озғингина кампир бир томонга эгилиб борарди. Ҳаёт шу – бугун борсан, эртага йўқ. Шу сабабли ҳам бир умрлик, қадрдон дугонаси билан видолашиб қолиши зарур!

Болқим момонинг эскидан оёқларининг хуружли томир тортиши – «судорги» касаллиги ҳам бор эди. Шу сабабли ҳар оқшом Худога нола қилиб, кўмак сўрарди.

Онахон худди чумолига ўхшаб жудаям секин кетиб борарди. Ярим йўлга борганида толиқди, кўзлари тина бошлади. Агар ҳозир «судорги» хуружи қўзғалиб қолса, йиқилиб тушишини пайқади.

Зархол момо бир умрлик содиқ дугонаси бўлганидан, у энди ортига қайтишни хаёл ҳам қилмас, «оёғи узилиб тушса» ҳам кўзлаган манзилига етиб боришига ишонарди. Илгарилайверди. Мана, дугонаси яшаётган уйнинг таниш дарвозаси ҳам кўринди ва онахон беҳад қувониб кетганидан йўл ўртасидаги темир арикчадан ҳатлаб ўтмоқчи бўлди. Ўтди ҳам, бироқ ана шу лаҳза денг, бехос оёқ томирлари тортишиб қолиб, гурс этиб, ёнбошига йиқилиб тушди.

Дарвозагача жудаям яқин қолганди, жудаям. Кампир эмаклай бошлади. Ёрдам сўрай деса, атрофда одам кўринмасди.

Ниҳоят онахон тиришиб, тирмашиб дарвозагача етди ва озғин муштчалари билан уни аёвсиз муштлай бошлади. Жим-жит.

Шунда онахон елим халтасини ёнига тортди-да, бехосдан аъзои вужуди бўшашиб кетганини пайқаб, дугонасининг уйи остонасига оҳиста бошини қўйди-да, азиз жонини эгасига топширди.

**Муродим УМРЗОҚОВ.**

Тойлоқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабида 44 йилдан буён болаларга математика фанидан сабоқ бераман. Математика бироз қийин фан бўлса-да, уни содда тилда ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиламан.

# Янги педтехнология

## ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам ёрдам беради

Олдинлари ўқитувчилар дарсни доска ва бўрдан фойдаланиб ўтишарди. Бугун замонавий ахборот технологиялари ёрдамида мавзуни тушунтириш бирмунча осонлашди. Мисол учун, бизнинг мактабда бу усулдан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарали натижа бермоқда.

Ўқувчилар компьютерда масалаларни ечиш, жадвал ва чизмалар чизиш, каби кўплаб имкониятларга эга бўлади. Бу эса — ўқувчилар ижодий тафаккури ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Бугун ўқитувчилар ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс режасини тузмоқда. Мисол учун, геометрик шаклларни ўтсак, унга хос хусусиятларни сўзловчи ролик ясайман. Уни ўқувчиларимга ҳавола этиб, кейин уларни саволга тутаман. Тушунмаган жойларини тушунтираман. Визуал олинган маълумотни ўқувчи тезроқ ўзлаштириб, идрок этиши барчамизга маълум.

Мактабимиздаги барча ўқитувчилар ўз касбининг фидойилари. Шунинг учун ўқувчилар барча фанлардан олимпиада ва билимлар беллашувида туманда совринли ўринларни эгаллаб келади. Бешта муҳим ташаббус доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Кутубхоналар китоб фонди билан бойитилди. Турли спорт, моҳир қўллар, компьютер саводхонлиги, рассомчилик, тўқувчилик каби тўгараклар мунтазам фаолият юритмоқда.

Бугун Тахмина Рустамова, Мартаба Марупова ва Раъно Вафоева каби шогирд ҳамкасбларим ёшларни замонавий таълим методлари асосида ўқитишда ўз услубларига эга.

**Маҳзуна ЖЎРАЕВА,**
**ўқитувчи.**

**P.S:** *Туман халқ таълими бўлими маълумотига кўра, 21-умумий ўрта таълим мактаби фан олимпиадаларида, билимлар беллашувида ва турли танловларда ўқувчиларнинг фаол иштироки ва эришган натижаларига асосан рейтингнинг юқори ўринларида турар экан.*

# «Меҳнаткаш»да қачон боғча қурилади?

Мактабгача таълим ташкилотларининг чекка қишлоқларда ҳам ташкил этилаётгани қувонарли.



Чунки боғчага борган бола ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлади. Тенгдошлари билан муносабатга киришишни, турли ўйин ва ривожлантирувчи машқлар ёрдамида ўқишни, чизишни, мустақил фикрлашни ўрганади. Бошланғич синф ўқитувчиси сифатида тажрибамда боғчага борган бола билан бормаган боланинг орасида жуда катта фарқ борлигини кўп кузатганман. Илк таълимни олган болалар билан муносабатга киришиш осон, бошланғич кўникмаларга эга, ҳарфларни билади.

Қани энди бизнинг тоғли ҳудуд «Меҳнаткаш» қишлоғимизда ҳам давлат мактабгача таълим ташкилоти очилса. Бу болаларнинг билим ва кўникмасини эрта ёшдан ривожлантиришга хизмат қиларди.

**Наргиза БОЛТАЕВА,**
**Нуробод тумани.**

Реклама

# Банк ва тадбиркор ҳамкорлиги самараси

ASAKA BANK

## яратилган иш ўринлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида яққол акс этмоқда

*Бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар даврининг фаол иштирокчиси бўлган акциядорлик тижорат «Асака» банки Самарқанд филиали иқтисодиётимиз устунига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, молия бозорида хизматлар сифати ҳамда самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бу борада аҳолига тезкор, қулай ва замонавий хизмат кўрсатишни, энг аввало, мижозлар ишончини қозониш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, ҳозирги пайтда филиалимиз молиялаштирган кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, инвестицион лойиҳалар ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари самарали фаолият кўрсатмоқда.*

Қуйида ушбу фикрларимиз тасдиғини банк мижозлари саналган айрим корхоналар фаолияти мисолида келтириб ўтмоқчимиз.

«Sam Antep gilam» масъулияти чекланган жамияти Самарқанд шаҳрида фаолият юритади. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти билан шуғулланаётган мазкур қўшма корхона «Асака» банки билан иккита йирик лойиҳани амалга оширмоқда. Бунинг учун корхонага 4,5 миллион евро миқдорида кредит ажратилган.

Корхона 2000 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 1000 нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли иш билан банд. Маҳаллий гранула хомашёсидан полипропилен калава ип ва 50 турдан ортиқ 200 дан зиёд дизайндаги гилам маҳсулотлари тайёрланади. Қўшма корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 240 миллиард сўмни ташкил қилиб, маҳсулотнинг асосий қисми Германия, Франция, Швейцария, Италия, Бельгия, Нидерландия, АҚШ каби мамлакатларга экспорт қилинади.

**- Корхонамиз Европа давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳ ҳамда технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган, - дейди «Sam Antep gilam» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Бекзод Бегматов. – Албатта, бунда «Асака» банки Самарқанд филиали томонидан берилган имтиёзли кредитларнинг ҳиссаси катта.**

«Sam Antep gilam» масъулияти чекланган жамияти қошида очилган «Tuft and Grass» қўшма корхонаси ҳам банкимизнинг мижози саналади. Мазкур завод банкимизнинг 1,9 миллион евро миқдоридаги маблағлари эвазига фаолиятини ривожлантирган. Корхона 2017 йилда иш бошлаган. Ҳозирги кунда бу ерда 15 турдан ортиқ сунъий чим ва ковралон тайёрланади. Маҳсулотлар ички бозорда сотилиши билан бирга Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Германия, Туркия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. 335 нафар ишчи меҳнат қиладиган корхона йилига 26 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Эркаклар кўйлаклари ва чойшаблар тайёрлаш ҳамда сотишга ихтисослашган «Samarkand Euro Asia textile» масъулияти чекланган жамияти «Асака» банкининг ишончли ҳамкорларидан. Молия муассасамиз мазкур корхонага 39,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратган.

Маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат 225 нафар ишчи йилига 2 миллион дона кўйлак ҳамда 600 минг дона чойшаб ишлаб чиқаради. Йиллик экспорт ҳажми эса 1,5 миллион долларни ташкил этади.

**- Малакали тикувчиларимиз Туркия, Бельгия ва Хитойдан келтирилган технологиялар ёрдамида меҳнат қилмоқда, - дейди «Samarkand Euro Asia textile» масъулияти чекланган жамияти директори Шуҳрат Мақсудов. – Иш унумдорлиги юқори. Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида ички бозорда ўз харидоримизни топиб улгурдик. Маҳсулотларимизга ташқи бозорда ҳам талаб юқори. Насиб бўлса, жорий йилда экспорт ҳажмини 5 миллион долларга етказмоқчимиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.**

**Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили корхонамиз кластер тизимига ўтди. Эндиликда пахта хомашёсини ўзимиз тайёрлаб, шу ерда қайта ишлаяпмиз. Албатта, кластер тизимининг келажаги бор. Шу боис, пахта толасини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир неча лойиҳаларимиз бор. Бу лойиҳаларни изчил амалга оширишда, шубҳасиз, «Асака» банки сармояси, ишончи ва ҳамкорлигига суянамиз.**

Банкимизнинг яна бир мижози - «Тонг» масъулияти чекланган жамияти Самарқанд шаҳрида барқарор фаолият юритаётган корхоналардан. 1998 йилдан буён молия муассасамиз билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган корхона филиалимизнинг 1 миллион 824 евро маблағи эвазига фаолиятини изчил йўлга қўйиб олган. Германия технологиялари билан жиҳозланган корхона маҳсулотлари бугунги кунда Россия, Қозоғистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

**Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Президентимиз томонидан 2018 йил 23 мартда қабул қилинган "Банк хизматларининг оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан аҳолига осон ва қулай банк хизматларини кўрсатишни кенг йўлга қўйиш мақсадида "Асака" банкининг Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси 154-уйда, Ургут тумани маркази, Почвон кўчаси 89-уйда ҳамда Каттақўрғон шаҳар Усмон Юсупов кўчаси 4-уйда "Банк хизматлари маркази"ни ташкил этдик. Энди фуқароларимиз ушбу манзилларга бориб ҳам банкимиз хизматларидан фойдаланишлари мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 233-63-82, 231-08-86.**

Пировард мақсадимиз битта: мижоз учун ишлаш. Ушбу мақсад, умуман, мижозлар фаолиятини изчил йўлга қўйиб олиши, янги иш ўринлари яратиши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши каби эзгу йўлда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлиги ҳамиша устувор вазифамиз бўлиб қолади.

**«АСАКА» БАНКИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Zarafshon
Самаркандский Вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 317 нусхада чоп этилди. Буюртма 137

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 4 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Т.ШОМУРОДОВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009